

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

15-сон
(359)
2009 йил
13 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

171. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 3 апрелдаги ЎРҚ–201-сон Қонуни
172. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 3 апрелдаги ЎРҚ–202-сон Қонуни
173. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–203-сон Қонуни
174. «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–204-сон Қонуни

175. «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–205-сон Қонуни
176. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 7 апрелдаги ЎРҚ–206-сон Қонуни
177. «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 7 апрелдаги ЎРҚ–207-сон Қонуни
178. «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 апрелдаги ЎРҚ–208-сон Қонуни
179. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрелдаги ЎРҚ–209-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

180. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 апрелдаги ПФ–4102-сон Фармони
181. «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сон қарори
182. «2009 йилда махсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 апрелдаги ПҚ–1092-сон қарори

Учинчи бўлим

183. «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон қарори
184. «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Туркистон» давлат унитар корхонасини тугатиш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан янада сама-

- рали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 апрелдаги 99-сон қарори
185. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк коллежларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ихтиёрига бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 101-сон қарори
186. «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори
188. «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 104-сон қарори
189. «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарори
190. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 107-сон қарори

Бешинчи бўлим

191. «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинadиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 27 февралдаги 31, 2009-13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935*)
192. «Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2009 йил 3 мартдаги 19-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936*)
193. «Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 33-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1937*)

194. «Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низомни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 19 мартдаги 01/23-18/02-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 274-2*)
195. «Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1938*)
196. «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 20 мартдаги 01/23-18/03-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 4 апрелдан 10 апрелгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

171 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 11 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **66¹-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш),

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 7 апрелда эълон қилинган.

115-моддасида (аёлни ўз хомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилиқ), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 185²-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 229-моддасида (ўзбошимчалиқ), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 апрель,
ЎРҚ–201-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

172 «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1002–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги);

қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

табiiй ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 7 апрелда эълон қилинган.

соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади»;

2) 3-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги стандартлаштириш ишларини бажаришни ўз ваколатлари доирасида бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидир»;

3) 8-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек бошқа махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 апрель,
ЎРҚ-202-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

173 «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»**ги 360–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 70-модда) **10-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **биринчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш банкнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган оралиқ тугатиш балансида акс эттирилган омонатларнинг қолдиғидан келиб чиққан ҳолда банк ва Фонд маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда амалга оширилади»;

2) **иккинчи қисм** чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи қисмлар тегишинча **иккинчи ва учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 апрель,
ЎРҚ–203-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

174 «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 11 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги 664–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 164-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 601-модда) **7-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 апрель,
ЎРҚ–204-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

175 Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 22 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 мартда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 апрель,
ЎРҚ-205-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

176 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 4 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **135-моддаси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларида айрим қарздор корхонани (бизнесни) ёки унинг мол-мулки бир қисмини банкларга сотишда бошқача тартиб назарда тутилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) **4-моддасининг тўртинчи хатбошиси** «Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг» деган сўзлардан кейин «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **4-моддасининг учинчи қисми** «қонун ҳуж-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 8 апрелда эълон қилинган.

жатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда, № 12, 640-модда) **20-моддасининг биринчи қисмидаги** «элик» деган сўз «тўрт юз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 7 апрель,
ЎРҚ–206-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

177 Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 927–XII-сонли Қарори билан тасдиқланган **Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекис-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 8 апрелда эълон қилинган.

тон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164–II-сонли Қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида низом»;

2) **1-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ходимларига махсус унвонлар — мансаб даражалари бериш тартибини белгилайди»;

3) **2-модданинг биринчи хатбошисидаги** «Суд» деган сўз «Суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **3-моддадаги** «Суд ходимларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **4-модданинг:**

иккинчи хатбошисидаги «Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига» деган сўзлар «Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига, Марказ директориغا» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига» деган сўзлар «Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига, Марказ директорининг ўринбосарига, Марказнинг бўлим бошлиқларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантларига, Марказнинг бош ва етакчи консультантларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига, бош мутахассисларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига, бош мутахассисларига, Марказнинг катта консультантларига, кадрлар бўйича катта инспекторига ва девонхона мудирига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **5-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «умумий юрисдикция судлари аппарати» деган сўзлар «умумий юрисдикция судлари аппарати ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 7-моддадаги «Судларга» деган сўз «Судларга ва Марказга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **10-моддадаги** «суд» деган сўз «суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **11-моддадаги** «судларда» деган сўз «судларда ҳамда Марказда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **13-моддадаги** «Суд» деган сўз «Суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **14-моддадаги** «суд» деган сўз «суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 7 апрель,
ЎРҚ-207-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

178 «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 22 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Баҳолаш фаолияти тўғрисида**»ги 811–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Баҳолаш фаолияти баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолиятидир»;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 10 апрелда эълон қилинган.

2) **4-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолаш фаолиятини лицензиялашни амалга оширувчи орган (бундан буён матнда лицензияловчи орган деб юритилади) баҳоловчи ташкилотнинг қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талабларига ва шартларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади»;

3) қўйидаги мазмундаги **4¹**, **4²** ва **4³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«4¹-модда. Баҳоловчи ташкилот

Баҳоловчи ташкилот баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахсдир.

Баҳоловчи ташкилот ўз фаолиятида мустақилдир. Хизматларнинг истеъмолчиси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг баҳоловчи ташкилот фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Баҳоловчи ташкилот қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин, очик акциядорлик жамияти бундан мустасно. Бунда қўйидаги мажбурий шартларга риоя этилиши керак:

баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари баҳоловчи бўлиши;

баҳоловчи ташкилотнинг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган баҳоловчиларнинг штатдаги энг кам сонига доир, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши;

баҳоловчи ташкилотда қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдордаги устав фондининг мавжудлиги;

баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги.

Баҳоловчи (баҳоловчилар) фақат битта баҳоловчи ташкилотнинг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг баҳоловчи ташкилотни ташкил этиши, шунингдек баҳолаш фаолиятини амалга ошириши тақиқланади.

4²-модда. Баҳоловчи

Баҳоловчи белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан берилган баҳоловчининг малака сертификатида эга бўлган жисмоний шахсдир.

Баҳоловчи баҳолаш ишларини ўтказишга, агар у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турган бўлса ёки баҳоловчи ташкилот у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, баҳоловчи ташкилот томонидан жалб этилиши мумкин.

Баҳоловчи назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўтказадиган текширишларда ва бошқа тадбирларда баҳоловчи ташкилот ҳамда ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосидагина мутахассис сифатида иштирок этиши мумкин.

4³-модда. Баҳоловчининг ёрдамчиси

Баҳоловчининг ёрдамчиси баҳоловчининг малака сертификатиغا эга бўлмаган ва баҳоловчининг баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш билан боғлиқ топшириқларини бажарадиган, баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни (бундан буён матнда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот деб юритилади) ҳамда баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ бошқа расмий ҳужжатни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган жисмоний шахсдир.

Баҳоловчи ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, баҳоловчи ташкилот билан тузилган меҳнат шартномасида (контрактда) белгилаб қўйилади.

Баҳоловчининг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт баҳоловчининг малака сертификатини олиш учун зарур бўладиган иш стажига қўшилади»;

4) **12 — 15-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун асослар

Баҳоловчи ташкилот ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суд ажрими баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун асослардир.

13-модда. Баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага оид мажбурий талаблар

Баҳоловчи ташкилот ва буюртмачи ўртасидаги шартнома ёзма шаклда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Шартномада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

баҳолаш объектининг номи;

баҳолаш объектини баҳолашнинг мақсади;

баҳолаш объектининг аниқланадиган қиймати тури;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш муддати;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказгани учун пул мукофоти миқдори.

Шартномага баҳоловчи ташкилотда баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ушбу лицензиянинг тартиб (рўйхатдан ўтказилганлик) рақами ва берилган санаси кўрсатилган ҳолда, шунингдек баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар киритилиши шарт.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказганлик учун пул мукофотининг миқдори шартномада белгилаб қўйилади ва у баҳолаш объекти қийматининг баланд-пастлигига боғлиқ бўлиши мумкин эмас.

14-модда. Баҳоловчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Баҳоловчи ташкилот қўйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган баҳолаш усуллари мустақил қўллаш;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлардан фойдаланиш эркинлиги таъминланишини буюртмачидан талаб қилиш, ёзма шаклда тушунтиришлар ва қўшимча маълумотлар олиш;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни учинчи шахслардан талаб қилиб олиш. Агар мазкур ахборотни беришнинг рад этилиши баҳолашнинг ишончлилигига жиддий таъсир этадиган бўлса, баҳоловчи бунга баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиб ўтади;

баҳолаш объектларини баҳолашдан ўтказишда иштирок этишга бошқа баҳоловчиларни ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

буюртмачи шартнома шартларини бузган ҳолларда баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишни рад этиш.

Баҳоловчи ташкилот қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15-модда. Баҳоловчи ташкилотнинг мажбуриятлари

Баҳоловчи ташкилот:

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талабларига ва шартларига риоя этиши;

баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни, баҳоловчининг (баҳоловчиларнинг) малака сертификатини шартнома тузилиши олдида буюртмачининг талабига кўра кўрсатиши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган, холисона баҳолашни ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги оқибатида ўзининг иштирок этиш имконияти йўқлиги тўғрисида буюртмачига хабар бериши;

буюртмачининг сўровномасига кўра баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳақида ахборот тақдим этиши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш давомида олинadиган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш давомида аниқланган зарар етказилганлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг бошқача тарзда бузилганлиги фактлари тўғрисида баҳолаш объекти мулкдорига ва (ёки) буюртмачига хабар бериши;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг нусхаси уч йил мобайнида сақланишини таъминлаши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш давомида буюртмачидан олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

баҳоловчиларнинг ҳар йили малака ошириш курсларида белгиланган тартибда ўқишини таъминлаши;

баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтингини баҳолаш учун баҳо-

ловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар бирлашмаларининг сўровномасига кўра ахборот тақдим этиши шарт.

Баҳоловчи ташкилотнинг зиммасида қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

5) қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«15¹-модда. Баҳоловчи ташкилот томонидан кўрсатиладиган қўшимча профессионал хизматлар

Баҳоловчи ташкилот қуйидаги қўшимча профессионал хизматлар кўрсатиши мумкин:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини экспертиза қилиш;

инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, бизнес-режалар тузиш;

баҳолаш жараёнини автоматлаштириш ва баҳолаш фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш;

баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини тарқатиш.

Баҳоловчи ташкилот қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қўшимча профессионал хизматлар ҳам кўрсатиши мумкин»;

6) **16** ва **17-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишга йўл қўйилмаслиги

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар:

буюртмачи баҳоловчи ташкилотнинг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори, суғурталовчиси, баҳоловчиси бўлса;

баҳоловчи ташкилот ва (ёки) баҳоловчи буюртмачининг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори бўлса;

баҳоловчи ташкилотнинг ва (ёки) баҳоловчининг баҳолаш объектида мулккий манфаати бўлса;

баҳоловчи баҳолаш объектида мулккий манфаати бўлган шахслар билан яқин қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик муносабатларида бўлса.

17-модда. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига оид талаблар

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш натижалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот билан расмийлаштирилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана ва унинг тартиб (рўйхатдан ўтказилганлик) рақами;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун асос;

баҳолаш объектини баҳолашнинг мақсади;

баҳолаш объектининг аниқланадиган қиймати тури;

баҳоловчи ташкилотнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва унга берилган, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказган баҳоловчининг (баҳоловчиларнинг) малака сертификати тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектининг унинг қийматини аниқлаш санасидагига айнан идентификация қилиш имконини берадиган тавсифи, шунингдек баҳолаш объекти мулкдорининг реқвизитлари;

баҳолаш стандартлари, улардан фойдаланиш учун асос, баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда фойдаланилган маълумотларнинг мазкур маълумотлар олинган манбалар кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш изчиллиги, шунингдек олинган натижани қўлланиш чегаралари;

баҳолаш объектининг қиймати аниқланган сана;

баҳоловчи ташкилот фойдаланадиган ҳамда баҳолаш объектининг миқдор ва сифат хусусиятларини белгилайдиган ҳужжатлар рўйхати.

Агар баҳолаш объектини баҳолаш бир нечта баҳоловчи томонидан ўтказилган бўлса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш жараёнида улар томонидан бажарилган иш баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

Агар баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда бозор қийматидан фарқланувчи қиймат аниқланган бўлса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳони аниқлаш мезонлари ва баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқлаш имкониятидан воз кечиш сабаблари кўрсатилган бўлиши керак.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳолаш объекти қийматини асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Баҳолаш объектларининг айрим турларини баҳолашдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг махсус шакллари назарда тутилиши мумкин.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир бети баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказган баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан имзоланади, ҳисобот баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси, мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади ва буюртмачига топширилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ҳар хил шарҳлашга йўл қўймаслиги ёки чалғитмаслиги керак»;

7) қуйидаги мазмундаги **18¹-модда** билан тўлдирилсин:

«18¹-модда. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг низолилиги

Зарур бўлган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш учун мазкур ҳисобот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш натижалари эксперт хулосаси билан расмийлаштирилади.

Экспертиза ўтказаетган баҳоловчи ташкилотнинг эксперт хулосасида баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилиги ҳақидаги ҳолисона фикр бўлиши керак. Бунда мазкур ташкилот такрорий баҳолашни ўтказишга ва баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида эксперт хулосасини чиқаришга ҳақли эмас.

Баҳоловчи ташкилотни илгари ўзи бажарган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини экспертизадан ўтказишга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Буюртмачи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончилиги тўғрисида олинган эксперт хулосасига рози бўлмаган тақдирда, низо судда кўриб чиқилиши керак.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш материалларини низоли ҳолларда экспертизадан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эксперт комиссияси тузилади.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг мазкур материалларнинг ишончилигини аниқлашга доир хулосаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат суд ажримига кўра тайёрланади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суд томонидан ишончли эмас деб топилганда баҳолаш объектини баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси суднинг ажримига кўра баҳолаш объектини такрорий баҳолашдан ўтказиш ва баҳолаш объектининг қиймати тўғрисидаги хулосасини судга тақдим этади»;

8) **19 — 21-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Баҳоловчи ташкилот шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида буюртмачига зарар етказилганлиги учун унинг олдида жавобгар бўлади. Буюртмачига етказилган зарарнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, баҳоловчи ташкилот томонидан қопланиши керак.

Баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолашни сифатсиз ўтказганлиги ёки лозим даражада ўтказмаганлиги, махфий маълумотларни ошкор этганлиги натижасида етказилган зарар ёки баҳоловчи ташкилотнинг зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлар учун баҳоловчи ташкилот олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

20-модда. Баҳоловчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш

Баҳоловчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21-модда. Баҳоловчи ташкилотларнинг ва баҳоловчиларнинг бирлашмалари

Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар ўз манфаатларини химоя қилиш ҳамда ифода этиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бирлашиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 апрель,
ЎРҚ–208-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**179 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 25 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 11 апрелда эълон қилинган.

2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **216-модданинг иккинчи қисми** «ундан маслаҳат олиш» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **223-модда** «Депутатлар» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **18-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **40-модда** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ёзишмалари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **79-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига жўнатиладиган хатлар ва бошқа жўнатмалар бундан мустасно.

Маҳкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган

манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида амалга оширилади. Телеграммалар эгаларига дарҳол топширилади ва жўнатилади.

Хатлар ва бошқа жўнатмалар олиш ҳамда юбориш, шунингдек уларни цензурадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Озодликдан махрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида хат ёзишмалари фақат ўзаро қариндошлар ўртасида ва муассаса маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 178-модда) **50-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Сенати аъзоларининг» деган сўзлар «Сенати аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **23-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосарининг номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорлари Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **30¹-модда** билан тўлдирилсин:

«30¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги такдимномаси ўн кун ичида Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралигидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масала бўйича қарори Қонунчилик палатасининг мажлисида тасдиқланади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш тўғрисидаги қарори дарҳол Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **19-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорлари Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш масалаларига оид қарорлари Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **30¹-модда** билан тўлдирилсин:

«30¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси ушбу масала бўйича Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин ўн кун ичида Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенатнинг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласига оид қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки

суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади».

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель,
ЎРҚ-209-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****180 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи
ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1046-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 7 апрель,
ПФ–4102-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 7 апрелдаги
ПФ–4102-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармони 5-бандининг «б» кичик бандидаги «3 йил муддатга» сўзлари «5 йил муддатга» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПҚ–255-сон қарори 11-бандининг «б» кичик

бандидаги «3 йил муддатга» сўзлари «5 йил муддатга» сўзлари билай ал-маштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

181 Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиққан Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси иловаса* мувофиқ маъқуллансин.

Мазкур қарор иловасида кўрсатилган Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа тузилмалар раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари мижознинг биринчи талабига биноан банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағлари берилишини таъминлаш юзасидан қатъий назоратни ўрнатсин.

Аҳолига уларнинг депозит ҳисоб рақамларидан нақд пул маблағлари берилишининг белгиланган тартиби бузилган ҳолатларда, тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда филиаллари раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган қатъий чоралар кўрилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига мувофиқ пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши керак

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхатини қайта кўриб чиқсин ҳамда кенгайтирсин;

Тошкент шаҳри, вилоят ва туман марказлари, вилоятларга қарашли шаҳарлардаги савдо ҳамда тўлов хизматлари соҳаси объектларини босқичма-босқич тўлов терминаллари билан жиҳозлаш жадвалини тасдиқласин.

Белгилансинки, мазкур рўйхатга киритилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари:

савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларининг мавжудлиги ҳамда улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

савдо ва назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлласин;

савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналар томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш масалалари бўйича тезкор равишда чора кўриш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан биргаликда ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан «ишонч телефонлари» орқали мурожаатлари кўриб чиқилишини ҳамда келиб тушадиган мурожаатларнинг зудлик билан текширилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда товарлар ҳамда хизматларни чек бермасдан сотиш, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлиги учун чакана савдо субъектлари жавобгарлигини жиноий жавобгарликкача қатъий кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекис-

тон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 апрель,
ПҚ-1090-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**182 2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек жаҳон нархлари конъюнктураси жадал ўзгараётган шароитларда маҳсулотларни таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспорт қилишга рухсатномаларни тезкорлик билан бериш механизмини яратиш мақсадида:

1. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясига (Ш.М. Мирзиёев) мазкур қарор билан белгиланган тартибда, 2009 йилда республика корхоналарига ўзлари ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилинадиган товарларга жаҳон нархларининг амалда юзага келган конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда эркин айирбошланадиган валютага экспорт қилиш учун рухсатномалар бериш ҳуқуқи берилсин.

2. Экспорт қилинадиган товарларга жаҳон нархларининг амалда юзага келган конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда товарларни таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспорт қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2009 йилда ўзи ишлаб чиқарган товарларни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг ташқи савдо компаниялари (бирлашмалари), шунингдек «Ўзинтеримпекс»

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ДАТК, «Ўзмарказимпекс» ДАТК, «Ўзсаноатмашимпекс» ДАК, «Марказсаноат-экспорт» ДАТК орқали таннархидан пастрок нархда эркин айирбошланадиган валютага экспорт қиладиган корхоналар учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинадиган тушум экспорт қилинадиган товарларни сотишнинг амалдаги нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар 2009 йилда товарларни таннархига тенг ёки ундан пастрок нархларда экспортга сотишнинг, шунингдек олинган тушумни солиққа тортишнинг ушбу қарор билан тасдиқланган тартибига қатъий риоя қилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель,
ПҚ-1092-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

183

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасини, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси уч ой муддатда радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши, шунингдек ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда ионлаштирувчи нурланиш манбаларини давлат ҳисоби ва назоратига қўйиш мезонларини, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини уларнинг потенциал радиациявий хавфлилиги бўйича тоифаларини аниқлашни назарда тутсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

уч ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирадилар;

юридик шахслар, шу жумладан идоравий мансуб ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ушбу Қоидалар талабларига риоя қилиши бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 апрель,
98-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 3 апрелдаги 98-сон қарорига
ИЛОВА

**Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини
давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш
тизимини ташкил этиш
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. «Давлат санитария назорати», «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ушбу Қоидалар ионлаштирувчи нурланиш манбалари — ядровий материаллар, радиоактив моддалар, уларнинг таркибидаги радиоактив манбалар ва радиоактив чиқиндилар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини (кейинги ўринларда ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими деб аталади) ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Қоидалар ИНМ қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, утиллаштирилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланиши соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи ИНМ айланиши субъектлари, шунингдек ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг ваколатли давлат органлари учун мажбурийдир.

II. Асосий тушунчалар

3. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ионлаштирувчи нурланиш — радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил кутбли ионларни ҳосил қиладиган нурланиш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаи (ИНМ) — ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва (ёки) радиоактив модда, ядровий материаллар;

ИНМ айланиши субъектлари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланиши бўйича ИНМ айланиши соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар;

ядровий материаллар — таркибида ядро моддалари мавжуд бўлган

ёки бўлинадиган (парчаланадиган) ядро моддалари ишлаб чиқаришга қодир бўлган, шунингдек таркибида ядро материаллари бўлмаган ёки ядро материаллари ишлаб чиқаришга қодир бўлмаган, бироқ ядро ичидаги энергияси портлаб ажралиб чиқилишига (ядро портлаши) мўлжалланган қурилмаларда фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар;

радиоактив манба — таркибида ядровий материаллар ёки радиоактив моддалар бўлган ионлаштирувчи нурланиш манбаи;

радиоактив моддалар — таркибида белгиланган радиациявий хавфсизлик нормалари ва қоидаларининг энг кам қийматидан ортиқ активликдаги радионуклидлар бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги ядровий материалларга тегишли бўлмаган моддалар;

радиоактив чиқиндилар — кейинчалик улардан фойдаланиш назарда тутилмайдиган ядровий материаллар ва (ёки) радиоактив моддалар.

III. ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг мақсадлари ва вазифалари

4. Қуйидагилар ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг мақсадлари ҳисобланади:

ИНМнинг мавжуд миқдорини аниқлаш;

ИНМ нобудгарчилиги, улардан рухсат берилмаган фойдаланиш ва уларни талон-торож қилишнинг олдини олишни таъминлаш;

ИНМнинг мавжудлиги ва жойи ўзгариши тўғрисида белгиланган тартибда ҳолисона ва ишончли ахборот тақдим этиш.

5. Қуйидагилар барча даражаларда ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ИНМнинг миллий реестрини шакллантириш учун маълумотларни расмийлаштирган ҳолда ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни юритишни ташкил этиш;

ИНМ нобудгарчилиги, улардан рухсат берилмаган фойдаланиш ва уларнинг ўғирланишини аниқлаш;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими фаолият кўрсатишини таъминлайдиган норматив ва методик ҳужжатларни, шу жумладан ИНМнинг миқдори, активлиги ва радионуклид таркибини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

замонавий компьютер технологиялари негизида ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ягона дастурий ва ахборот билан таъминлашни ташкил этиш;

радиациявий вазиятни назорат қилишнинг ягона давлат автоматлаштирилган тизими, атроф муҳит радиациявий мониторингининг давлат тизими, фавқулодда вазиятлар давлат тизими билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ахборот айирбошлашни ташкил этиш.

IV. ИНМ ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш

6. ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш мезонларига жавоб берадиган ИНМ давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши керак.

7. ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш мезонлари, шартлари ва тартиби, шунингдек потенциал радиоациявий хавфсизлик асосида категориялар бўйича ИНМни таснифлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. ИНМ категориялари ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиб-қоидалари ва усулларини аниқлашга табақалаштириб ёндашишни таъминлаш мақсадида белгиланади.

9. ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими ваколатли давлат органларини, муҳандислик-техник воситаларини ва ИНМ айланиши соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига оладиган республика, идоравий ва минтақавий даражаларга бўлинади.

10. Қўйидагилар:

республика даражасида — «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси; идоравий даражада — ИНМ айланиши субъектлари ҳисобланган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси;

минтақавий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

V. ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва ИНМ айланиши субъектларининг функциялари

11. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ўз ваколатлари доирасида:

республика даражасида ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни;

ИНМнинг миллий реестри юритилишини;

ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

давлат томонидан ҳисобга олинadиган ва назорат қилинадиган ИНМ рўйхати белгиланган тартибда ишлаб чиқиши;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ИНМ давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назоратга қўйилиши мезонлари, шартлари ва тартиблари ишлаб чиқишини, шунингдек ИНМнинг потенциал радиоациявий хавфсизлиги асосида уларнинг категориялари аниқланишини;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини яратиш, унинг фаолият кўрсатиши, уни методик таъминлаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилишини;

республика даражасида ИНМ давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши учун маълумотлар тўпланишини, унинг тизимлаштирилиши ва таҳлил қилинишини;

манфаатдор давлат органлари билан биргаликда ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишини;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш шакллари ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

ИНМ мавжудлиги ва унинг жойи ўзгариши тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлайди.

12. ИНМ айланиши субъектлари ҳисобланган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўз ваколатлари доирасида:

идоравий даражада ИНМ давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилинишини;

ИНМ давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашишни;

ИНМ давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши учун идоравий мансуб ташкилотлар бўйича ахборот тўпланиши, таҳлил қилиниши, тизимлаштирилиши ва қайта ишланишини;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисидаги ахборот «Саноат-контехназорат» давлат инспекциясига тақдим этилишини;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини яратиш, унинг фаолият кўрсатиши ва такомиллаштирилиши соҳасида илмий, методик ва техник ишланмаларни ўтказишда қатнашишни таъминлайди.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз ваколатлари доирасида:

ушбу Қоидаларнинг 12-бандида назарда тутилмаган ИНМ айланишини минтақавий даражада давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни;

ИНМ айланишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисидаги ахборот «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этилишини;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар самарадорлиги таҳлил қилинишини;

ИНМ айланиши субъектлари томонидан белгиланадиган радиациявий объектлар учун кузатиш зоналарини, унинг ўлчами ва чегараларини келишишни;

фуқароларни ва атроф муҳитни радиация аварияси ва унинг оқибатларидан ҳимоя қилиш тадбирлари режаси келишилишини;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини шакллантиришда, унинг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришда қатнашишни таъминлайди.

14. ИНМ айланиши субъектлари:

ИНМ билан боғлиқ ишларнинг хавфсизлиги ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

ИНМ ички ҳисобга олиншини амалга оширади;

ИНМ физик ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисидаги ахборотни «Саноат-контехназорат» давлат инспекциясига тақдим этади;

кейинчалик қўллаш назарда тутилмаган ИНМ бундай ИНМни утиллаштириш, зарарсизлантириш ёки кўмиб ташлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ваколатига эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилотга ўз вақтида берилишини таъминлайди;

ўқитилган, малака талабларига жавоб берадиган ва тиббий нуқтаи назардан нуқсонлари бўлмаган шахсларни бевосита ИНМ билан ишлашга қўяди;

белгиланган тартибда ахборотнинг махфийлигини таъминлайди;

ИНМ айланиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширадиган шахсларни зарур ҳимоя воситалари ва радиация назорати билан таъминлайди;

ИНМ билан боғлиқ режалаштирилаётган битимлар тўғрисида «Саноат-контехназорат» давлат инспекциясини ўз вақтида хабардор қилади;

ИНМнинг ноқонуний айланиши ҳолатлари тўғрисида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология хизматининг тегишли ҳудудий органига (кейинги ўринларда санитария-эпидемиология хизмати деб юритилади) ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум қилади.

VI. ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар

15. ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этишда:

ИНМ айланиши субъектларининг ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳисобга олинади, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг мавжуд механизмларидан, шунингдек ИНМ тавсифларини ўлчаш учун усуллар ва техник воситалардан фойдаланилади;

республика, идоравий ва минтақавий даражаларда ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича ахборот манбаларидан фойдаланишнинг чекланган тартиби назарда тутилади;

ИНМ тавсифини аниқлаш учун замонавий илмий-техник усуллар ишлаб чиқилиши ва улардан фойдаланиш таъминланади;

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг ваколатли давлат органларини замонавий дастурий таъминлаш ва зарур техник воситалар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари амалга оширилади;

ИНМнинг ҳар бир бирлиги устидан назорат қилишнинг бошланғич ва охириги вақтини аниқлаш бўйича талаблар белгиланади;

тақдим этилаётган ахборотнинг бирхиллаштирилган формати ва ҳажми қўлланилади;

ҳисобга олиш ҳужжатларини юритиш, даврий ҳисобот ва ҳисобот маълумотлари таҳлили, янги ҳисобот ҳужжатлари тақдим этиш асосида ҳисобга

олиш маълумотларига фақат ҳисобга олиш ҳужжатларига янги ёзув киритиш йўли билан тузатиш киритиш имконияти таъминланади;

ИНМ таркиби ва миқдорини (активлигини) ўлчаш натижалари асосида (уларнинг параметрларини аниқлашнинг ҳисоблаб чиқиш усулларини қўллаш йўл қўйилган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилишда ўлчаш воситаларига қўйиладиган талаблар асосида ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш назарда тутилади;

ИНМ қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, утиллаштирилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташлалиши шартлари тўғрисида хабардор қилиш таъминланади.

ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилишни ташкил этишга ва юритишга қўйиладиган талаблар белгиланади;

ИНМ айланиши субъекти томонидан ИНМ олинган тақдирда у тўғрисидаги маълумотлар текширилади;

ИНМ йўқотилган, улардан рухсатсиз фойдаланилган ёки у ўғирланган ҳолларда ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими ваколатли давлат органларини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш тартиби тартибга солинади;

ИНМ мавжудлиги ва активлиги тавсифини аниқлаш мақсадида ИНМ айланиши субъектларида дастлабки хатлов ўтказилиши таъминланади;

халқаро шартномалар доирасида ҳамкорликни амалга ошириш имкони назарда тутилади.

16. Ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими ИНМнинг энг радиациявий хавfli категориясидан бошлаб босқичма-босқич амалга киритилади.

17. Ўз фаолиятида ИНМдан фойдаланадиган ИНМ айланиши субъектлари молиявий-моддий ва маъмурий ресурсларга, шунингдек ИНМ айланишида хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган техник воситаларга эга бўлиши керак.

VII. ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишга қўйиладиган алоҳида талаблар

18. ИНМ Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали олиб ўтилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ИНМни ҳисобга олади ва назорат қилади ва 15 кун муддатда ИНМ тўғрисидаги ахборотни «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этади.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз ваколатлари доирасида ҳар чорақда ҳисобот даври тамом бўлгандан кейин 20-кунда белгиланган тартибда ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг тасдиқланган шакли бўйича ядровий материал экспорти ва импорти тўғрисида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига ахборот тақдим этади.

20. СЭС тегишли ҳудудий органининг ИНМ айланиши билан боғлиқ

бўлган ташкилотлар объектларининг санитария-гигиена хавфи тўғрисидаги хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ИНМ айланиши субъектлари томонидан ИНМ олиниси ва берилишига белгиланган тартибда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан рухсат берилади.

ИНМ айланиши субъектлари ИНМ олиниси ва берилиши тўғрисида ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг тасдиқланган шакллари бўйича 10 кун муддатда «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясини ва СЭСнинг тегишли худудий органини хабардор қилади.

21. ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимида ҳисобга олиш бирликлари ахбороти ҳажми, ҳисобот маълумотлари ИНМ типига, уларнинг категориясига қараб аниқланади ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланадиган шаклларда акс эттирилади.

22. Ноқонуний айланишдан олиб қўйилган ИНМ қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг қонуний эгасига қайтарилиши ёки утилизация қилиниши (қўмиб ташланиши) керак.

ИНМни ноқонуний айланишдан олиб қўйишда уларни вақтинча сақлаш, ҳисобга қўйиш, физик ҳимоя қилиш, шунингдек қонуний эгасини хабардор қилиш ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда утиллаштириш (қўмиб ташлаш) таъминланади.

VIII. ИНМ айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш соҳасида давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги

23. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси қуйидаги масалалар: ядровий материал, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар аҳолига ва атроф муҳитга таъсир кўрсатишининг олдини олиш бўйича — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ҳокимликлар билан биргаликда қўшма тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда — йўқотилган радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларни излашни ёки топилган радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларнинг келиб чиқишини аниқлашни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва ҳокимликлар билан биргаликда — радиациявий вазиятини назорат қилишнинг ягона давлат автоматлаштирилган тизимини, атроф муҳит, ИНМни сақлаш ва қўмиш пунктлари, ифлосланган радионуклидли худудларнинг радиациявий мониторинги давлат тизимини амалга ошириш;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда — ИНМ айланишида содир бўлган авариялар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва тугатиш ягона тизимини ташкил этиш;

манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар билан ахборот айирбошлаш бўйича — ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар воситасида амалга

ошириладиган ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш давлат тизимини яратиш ва унинг фаолият кўрсатишида бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликдаги фаолиятни амалга оширади.

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида ИНМни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими фаолият кўрсатишида табиатни муҳофаза қилиш, радиация, ядро, техник ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солишни таъминлайдилар.

25. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш, ИНМ яширин сотилиши, тарқатилиши ва фойдаланилишига барҳам бериш бўйича тегишли тадбирларни амалга оширадилар.

IX. ИНМни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш соҳасида жавобгарлик

26. Ушбу Қоидалар бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

184 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Туркистон» давлат унитар корхонасини тугатиш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Тошкент вилоятининг ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган «Туркистон» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда «Туркистон» ДУК деб аталади) тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. «Туркистон» ДУКни тугатиш комиссиясининг таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова берилмайди.

3. Тугатиш комиссияси (Мусаев Д.О.):

«Туркистон» ДУКни тугатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин;

кредиторларни аниқласин ва тугатиш пайтида ҳосил бўлган кредиторлик қарзлар қайтарилишини таъминласин;

дебиторлик қарзлар ундирилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига сотиладиган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бериладиган мол-мулк рўйхатини аниқласин;

мол-мулк устун даражада тугатилаётган унитар корхона ҳудудида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига сотилишини назарда тутсин;

ихтисослаштирилган чорвачилик фермаларини мулккий комплекс сифатида сотишни назарда тутсин;

тугатиш даврида «Туркистон» ДУК мол-мулки сақланишини таъминласин;

оралиқ тугатиш баланси ва тугатиш балансини тасдиқласин.

4. Белгилансинки, тугатилаётган «Туркистон» ДУК мол-мулки тугатиш комиссиясининг қарори бўйича тендер асосида сотилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган «Туркистон» ДУК мол-мулкини сотишдан тушадиган маблағлар:

тугатиш ишлари бўйича харажатларни қоплашга ва қонун ҳужжатларида белгиланган изчиллик билан корхонанинг кредиторлик қарзини қайтаришга;

барча мажбуриятлар қоплангандан кейин — республика бюджетига йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси бир ой муддатда:

тугатилаётган «Туркистон» ДУКнинг ер майдонларини;

тугатиш комиссиясининг қарори асосида — ижтимоий инфратузилма ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини (болалар боғчаси, мактаб, автомобиль йўли, электр узатиш линиялари ва трансформатор қурилмалари ва бошқаларни) белгиланган тартибда Тошкент вилояти ҳокимлигига берсин.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги тугатилаётган «Туркистон» ДУК ҳудудида фермер хўжаликлари ташкил этиш учун талабгорлар орасида очиқ ва ошқора танловлар ўтказсин, ғолибларни аниқлашда ижтимоий адолат, ҳолислик ва очиқ-ошқоралик тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

Қарорнинг ушбу банди бажарилиши тўғрисида 2009 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар тугатиш комиссияси билан биргаликда тугатилаётган «Туркистон» ДУК мол-мулкидан самарали фойда-

ланишни ҳамда унинг бинолари ва иншоотлари базасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари ташкил этилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Туркистон» ДУКнинг бўшаб қолаётган ходимларини ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 апрель,
99-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

185 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк коллежларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ихтиёрига бериш тўғрисида

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқув-методик таъминотини ва уларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қарашли Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежини, Марғилон ва Термиз банк коллежларини 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг тегишли ҳудудий бошқармалари ихтиёрига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Тошкент шаҳар, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг тегишли ҳудудий бошқармалари ихтиёрига берилаётган банк коллежларини белгиланган тартибда қабул қилиш ва уларнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан 2010 йил 1 январгача зарур тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежини, Марғилон ва Термиз банк коллежлари таъминотига зарур маблағларни назарда тутсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

берилаётган коллежларни молиялаштириш, тегишли маҳаллий бюджетларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун назарда тутилаётган маблағлар доирасида, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг тегишли ҳудудий бошқармалари орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тижорат банклари кўрсатиб ўтилган банк коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, ўқитувчиларининг тажриба орттиришини ва ўқувчиларининг амалиёт ўташини ташкил этишда, шунингдек битирувчиларини ишга жойлаштиришда кўмаклашадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель,
101-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**186 Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат мулкани ижарага беришни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхоналари шаклида давлат мулкани ижарага бериш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар деб аталади) ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, қуйидагилар ташкил этилаётган марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат мулкани ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилаётган давлат мулкани ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақлалишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкани ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини республика ва вилоят даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида ҳар чоракда эълон қилиш.

3. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага берилди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади;

марказларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган ижара тўлови маб-

лағларининг 50 фоизи тегишли бюджет даромадига йўналтирилади, қолган қисми эса давлат мулкани балансида сақловчи ва марказ ўртасида тақсимланади.

Марказлар таъминоти учун ажратмалар миқдори амалдаги харажатлардан ва ижара тўлови маблағлари тушуми прогнозидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Бунда ажратмалар миқдори ижара тўлови суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

4. Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси 2009 йил 1 июн-гача давлат мулкани ижарага бериш юзасидан илгари тузилган, шу жумладан давлат мулкани балансида сақловчи билан тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва белгиланган тартибда шартномаларни қайта расмийлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Белгилансинки, давлат мулкани балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар марказларга ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат мулкининг асосий турлари бўйича намунавий ижара шартномаларини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда марказларнинг намунавий уставларини, уларнинг намунавий тузилмасини ва ходимларининг чекланган сонини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда марказлар давлат рўйхатидан ўтказилишини, жойлаштирилишини ва улар малакали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида бир ой муддатда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель,
102-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат мулкани ижарага бериш тартибини белгилайди.

Чет элдаги давлат мулкани ижарага бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шартлар ва тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг амал қилиши турар жойлар, ер участкалари, ер ости бойликлари участкалари, театр-томоша корхоналарининг мол-мулкани ижарага беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижарага берувчи — Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Давлат мулкани ижарага бериш марказлари;

балансда сақловчи — ижарага берилаётган давлат мулки унинг балансида ҳисобга олинган юридик шахс;

ижарага олувчи — ушбу Низомда белгиланган шартларда ва тартибда давлат мулки бўйича ижара шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс.

3. Ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган корхоналар, бинолар, иншоотлар ёки уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулк ижарага берилиши мумкин.

4. Давлат мулки уларга нисбатан ижарага берувчида:

илгари тузилган давлат мулки ижараси шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги;

уларнинг муомалага лаёқатсизлиги ёки муомала лаёқати чекланганлиги (жисмоний шахсларга нисбатан) тўғрисида ишончли маълумот мавжуд бўлган шахсларга ижарага берилмайди.

5. Агар ижарага бериш натижасида балансда сақловчининг ишлаб чиқариш ва/ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашса ва/ёки бюджетдан молиялаштиришнинг назарда тутилган лимитларидан ортиқ бўлса, давлат мулки ижарага берилиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юқори турувчи ташкилот ёки муассис (мавжуд бўлганда) билан келишган ҳолда балансда сақловчи томонидан ҳужжатлар билан асосланиши керак.

6. Ижарага берилган давлат мулки (унинг бир қисми), шунингдек давлат мулкни (унинг бир қисмини) ижарага олиш бўйича ижарага олувчининг ҳуқуқи ўзгага берилиши, гаровга қўйилиши ёки бошқача тарзда ижарага олувчи томонидан учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас. Ижарага олувчи ижарага олинган давлат мулкни учинчи шахсларга, шу жумладан субижара шартларида беришга ҳақли эмас.

Ижарага олувчи мол-мулкни соз ҳолатда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплаши шарт.

7. Давлат мулки ижарасининг энг кўп муддати беш йилни ташкил этади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

8. Давлат мулкни ижарага бериш жараёни ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда ташаббус кўрсатувчи) ташаббуси асосида бошланиши мумкин.

Ушбу мақсадларда ташаббус кўрсатувчи давлат мулки жойлашган жойдаги ижарага берувчига:

давлат мулкнинг тавсифини ва у жойлашган жойни;

балансда сақловчини (бундай маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатган ҳолда тегишли таклифни тақдим этади.

Таклиф кўриб чиқилиши ва таклиф олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ташаббус кўрсатувчига асосланган жавоб юборилиши шарт.

II. Ижара тўловини аниқлаш

9. Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = \mathcal{E}_c * K_3 * (K_k + K_x + K_o), \text{ бунда:}$$

T_c — бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

\mathcal{E}_c — бир йилга бир кв. метр учун энг кам ставка;

K_3 — ҳудудий зоналар коэффиценти;

K_k — қурилиш тури бўйича коэффицент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ярим ертўла, ертўла);

K_x — туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти;

K_o — тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар).

10. Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови ставкаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тақдим этган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкалари ҳисоб-китоби асосида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган энг кам ставкалардан кам бўлиши мумкин эмас.

Мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкаси:

агар ижарага топширилаётган мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатга тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлмаса — мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан;

агар ижарага топширилаётган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса — мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Самарали фойдаланиш муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида кўрсатилган таснифлашдан келиб чиқиб белгиланади.

III. Давлат мулкни ижарага бериш тартиби

11. Ижарага берувчи давлат мулкни ижарага бериш мақсадида:

ижарага берилаётган давлат мулкни хатловдан ўтказиши;

ижарага берилаётган давлат мулкига юклатилган мажбуриятларни аниқлайди ва улар ҳақида маълумот тайёрлайди;

ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини тузади;

ижара шартномаси лойиҳасини, давлат мулкни ижарага бериш шартларини, ижара объекти, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа зарур ахборотни тайёрлайди;

ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини эълон қилади;

давлат мулки ижарасига буюртманомаларни қабул қилади ва уларнинг рўйхатдан ўтказилишини, махфийлигини ва сақланишини таъминлайди;

потенциал ижарага олувчиларнинг (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) талаби бўйича уларга ижарага берилаётган мол-мулк, унинг тавсифлари билан танишиш имкониятини беради;

ижарага берилаётган мол-мулкни тегишли хизматлар билан таъминлаш бўйича битим лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда уни балансда сақловчи ҳамда коммунал хизматлар ва фойдаланиш хизматлари кўрсатувчилар билан келишади (зарурият бўлса);

конун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

12. Ижарага берувчи ҳар чоракда фойдаланилмаётган давлат мулки

ижарага берилиши тўғрисида (ижарага берилаётган давлат мулки рўйхати) республика ва вилоят даврий нашрларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида эълон беради.

Эълонда қуйидаги маълумотлар берилади:

ижарага берувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа телефони ва факси, электрон почта манзили;

ижарага берилаётган давлат мулкининг номи, миқдори, тавсифи ва таркиби, у жойлашган жой, балансда сақловчининг номи;

ижара муддати;

давлат мулкни ижарага бериш шартлари, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари;

ижарага берувчининг хошишига кўра бошқа маълумотлар.

Келиб тушаётган буюртманомалар ижарага берувчи томонидан махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади, ҳар бир буюртманомага у берилган сана, вақт кўрсатилган ҳолда тартиб рақами берилади.

13. Тушган буюртманомалар ижарага берувчи томонидан бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

14. Талабгорларнинг буюртманомаларини кўриб чиқиш балансда сақловчи ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари вакиллари иштирокида ижарага берувчи ҳузурида ташкил этиладиган Комиссия томонидан кўриб чиқилади, кўриб чиқиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Комиссия иши регламенти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

15. Икки ва ундан ортиқ талабгорлардан таклифлар тушган тақдирда ижара шартномаси ижаранинг белгиланган шартларига риоя қилинган ҳолда ижарага берилаётган давлат мулки учун ижара тўловининг энг кўп миқдорини таклиф этган талабгор билан тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари тенг бўлган тақдирда ижара шартномаси бошқалардан олдин буюртманома берган талабгор билан тузилади.

Ўз мажбуриятларини зарур тарзда бажарган ижарага олувчи бошқа шартлар тенг бўлган тақдирда янги муддатга ижара шартномасини тузишда бошқа талабгорлар олдида устунлик ҳуқуқига эга бўлади, транспорт воситалари ижараси бундан мустасно.

Фақат бир нафар талабгордан буюртманома тушган тақдирда ижара шартномаси унинг таклифлари тегишли эълонда кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган тақдирда у билан тузилади.

IV. Давлат мулкининг ижара шартномасини тузиш

16. Буюртманомаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги имзоланган баённома асосида тегишли давлат мулкининг ижара шартномаси тузилади.

17. Ижара шартномаси ижарага берувчи, ижарага олувчи ва балансида сақловчи ўртасида тузилади. Ижара шартномасини буюртманомаларни кўриб чиқиш баённомасида кўрсатилган муддат мобайнида, лекин кўпи билан беш кун муддатда барча томонлар имзолаши керак.

18. Ижара шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

ижарага берилаётган давлат мулкининг таркиби ва қиймати;

ижара муддати;

ижара тўловининг ставкаси ва умумий миқдори, уни тўлаш шартлари ва муддатлари;

ижара тўлови миқдорларини қайта кўриб чиқиш муддатлари ва шартлари;

давлат мулкининг ҳолати ва ижарага берувчи уни ижарага олувчига бериши керак бўлган муддат;

ижарага олувчи томонидан давлат мулкидан фойдаланиш, шу жумладан коммунал тўловларни ва бошқа фойдаланиш тўловларини тўлаш шартлари; шартнома тўхтатилгандан кейин давлат мулкини қайтариш ҳолати ва тартиби;

ижарага олинган давлат мулкини тиклаш ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлар;

ахборотлар ҳажми ва уларни ижарага берувчига тақдим этиш муддатлари;

ижара шартномасини, шу жумладан ижара тўловларини тўлаш муддатларининг бузилиши муносабати билан бекор қилиш шартлари;

томонларнинг жавобгарлиги;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

19. Транспорт воситасини ижарага беришда ижарага олувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишни, шунингдек транспорт воситасини суғурта қилишни амалга оширади.

20. Ижара шартномасини бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

21. Давлат мулкининг ижара шартномаси:

кўчмас мулк бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилганда, давлат рўйхатидан ўтказилиши;

давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган транспорт воситалари ижарага берилганда, нотариал тасдиқланиши;

корхоналар ижарага берилганда — нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

V. Давлат мулки ижараси шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

22. Ижара тўлови бўйича ҳисоб-китоблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ижара тўлови;

коммунал ва фойдаланиш тўловлари (мавжуд бўлганда).

23. Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охириги белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чоракда, ҳар ойда ва шу каби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. Тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу кабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.

Ижарага олувчи ижарага берилган давлат мулкани тиклаш ёки мукамал таъмирлашни амалга оширган тақдирда унинг қилган харажатлари, ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли хизматлари экспертизаси натижалари тақдим этилган тақдирда, ижара тўлови суммасини камайтириш ҳисобига қопланади.

Ижара тўлови бўйича ижарага берувчиларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган барча маблағлар бир иш куни мобайнида тақсимланади, шу жумладан ижарага берувчиларнинг транзит ҳисоб рақамларига ижара тўловидан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи тегишли бюджет даромадига йўналтирилади, қолган қисми эса балансда сақловчи ва ижарага берувчи ўртасида тақсимланади.

Ижарага берувчилар таъминоти учун ажратмалар миқдори, амалдаги харажатлардан ва ижара тўлови маблағлари тушуми прогнозидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Бунда ажратмалар миқдори ижара тўлови суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Ижарага берувчи маблағларни тегишли бюджет, ижарага берувчи ва балансда сақловчи ўртасида ҳар қайси ижара шартномаси бўйича алоҳида, ижарага берувчи томонидан хизмат кўрсатувчи банкда очиладиган транзит ҳисоб рақамидан тақсимлайди.

Ижара тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

24. Коммунал ва фойдаланиш хизматлари бўйича тўловларни тўлаш миқдори, тартиби ва муддатлари ижара шартномаси билан бир вақтда тузиладиган балансда сақловчи ва ижарага олувчи ўртасидаги битим билан (битим шартлари ижара шартномасига киритилиши мумкин), коммунал ва фойдаланиш хизматларини кўрсатувчилар томонидан белгиланган тарифларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади. Электр энергияси, сув ва газни ҳисобга олиш учун зарур ҳисоблаш приборларини ўрнатиш шартнома шартларига мувофиқ балансда сақловчи ёки ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

Ижарага берувчи коммунал ва фойдаланиш хизматлари кўрсатиш юзасидан тузилган битимларга мувофиқ ижарага олувчи томонидан унга кўрсатилган хизматлар ҳақининг ўз вақтида тўланишини назорат қилади.

VI. Давлат мулкани бериш ва қайтариш тартиби

25. Тузилган ижара шартномаси шартларига мувофиқ балансда сақловчи ижарага берувчи иштирокида давлат мулкани шартнома шартларига ва давлат мулканинг мўлжалланган мақсадига мувофиқ ҳолатда ижарага олувчига бериши, ижарага олувчи эса ижара муддати тугагач балансда сақловчига қайтариши шарт.

26. Давлат мулки унга тегишли бўлган барча буюмлар ва унга тааллуқли бўлган техник ҳужжатлар билан бирга ижарага олувчига берилади ва унинг томонидан қайтарилади.

27. Давлат мулкани бериш ва қайтариш уч томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда, томонларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади, далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган жой ва сана;

ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами);

давлат мулканинг техник ҳолати.

Бериш далолатномаси томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

28. Ижарага олинган давлат мулкида камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) мулкни қабул қилиб олувчи томонлар бошқа томон давлат мулкани шартномада белгиланган муддатларда ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача уни қабул қилиб олишни ва давлат мулкани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

VII. Ижарага берилаётган давлат мулкани ҳисобга олиш, унинг ҳисоботи ва уни назорат қилиш

29. Ижарага берилаётган давлат мулкани ҳисобга олиш ва ахборот маълумотлари базасини юритиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

30. Ижарага берилаётган давлат мулки реестри ижарага берувчи томонидан шакллантирилади ва мулк тўғрисидаги мавжуд ахборотга мувофиқ ҳар чоракда янгилаб борилади (ижарага берилган, ижара муддати тугаган ва шу кабилар).

Реестрни шакллантириш учун ахборот балансда сақловчи томонидан ҳар чоракда тақдим этиб борилади.

31. Ижарага берилаётган давлат мулкани ҳисобга олиш мақсадида ижарага берувчи ижара шартномаси тузилгандан кейин бир иш қуни мобайнида реестрга тегишли ёзувни киритади, ижара шартномаси асл нусхасининг ҳар биттасига ҳисобга олингани тўғрисида белги қўяди, ҳисобга олиш ёзуви киритилган санани ва тартиб рақамини кўрсатади, уни муҳр билан тасдиқлайди. Уч нусхада расмийлаштирилган ижара шартномасининг асл нусхалари бир нусхадан баланс сақловчига, ижарага олувчига берилади ва бир нусхаси ижарага берувчида қолади.

32. Ижарага берувчи ижара шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ижарага олувчи томонидан зиммасига олинган мажбуриятларнинг ижара шартномасига мувофиқ зарур даражада бажарилишини мунтазам назорат қилиб боради. Ушбу мақсадларда ижарага берувчи қуйидагиларга ҳақлидир:

ижарага олувчидан ижара шартномасида назарда тутилган ҳажмларда ахборот сўраш;

зарурат бўлганда, мулкнинг физик ҳолатини ижарага олувчининг хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда кўздан кечириш;

ижарага олинган мулкдан фойдаланиш шартларини, ижарага олувчи томонидан учинчи шахслар ҳуқуқларига риоя қилинишини ўрганиш (сервитут, гаров ва шу кабилар);

ижарага олувчининг ижарага олинган давлат мулкани яхшилашни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

33. Ижарага берувчи ижарага берилган давлат мулки тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 кунигача тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ҳокимликларининг молия бошқармаларига ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бошқармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига маълумот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ижарага берилган давлат мулки бўйича йиғма ахборотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача тақдим этади.

Ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

VIII. Яқуний қоидалар

34. Давлат мулкани ижарага беришнинг ушбу Низомда кўрсатилмаган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ белгиланади.

35. Давлат мулкани ижарага бериш шартномасини расмийлаштириш ва тузишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан ижарага берувчи шахсан жавоб беради.

36. Ижара шартномасига мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларни томонлар бажармаган тақдирда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

37. Давлат мулкани ижарага бериш муносабати билан пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**188 Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириш ва ундан чиқиш учун визалар бериш, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказиш, шунингдек хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатнома бериш ва ҳудуддаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига меҳнат фаолияти ҳуқуқини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш давлат божи ва бошқа тўловлар ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомаларига биноан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги тегишли бўлинмани белгиланган тартибда зарур алоқа каналлари билан ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 апрель,
104-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 апрелдаги 104-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг
«Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига
кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга
ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навойй» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисида Низомни бажариш юзасидан хатти-ҳаракатлар схемаси ушбу Низомга иловада берилган.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

«Навойй» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига ва уларнинг оила аъзоларига;

«Навойй» ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

Ушбу Низомнинг мақсади учун ушбу бандда кўрсатилган шахслар «Навойй» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар деб аталади.

3. «Навойй» ЭИИЗ дирекцияси «Навойй» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг умумий ҳисобини юритади ҳамда хорижий фуқароларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида тушунтиришни таъминлайди, шунингдек уларнинг вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш, республика ҳудудида юриши ва улар учун белгиланган бу ерда бўлиш муддати тугагач Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини таъминлаш юзасидан жавоб беради.

4. Танлаб олишдан ўтмаган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, у ерда бўлиши ва ундан чиқиб кетишини расмийлаштириш, шунингдек улар томонидан хорижий ишчи кучларини жалб этиш умумий равишда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**II. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг
Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини
расмийлаштириш тартиби**

5. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга кириш визалари «Навой» ЭИИЗ дирекциясининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига берадиган ёзма илтимосномаси асосида берилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси томонидан айрим давлатлар фуқаролари учун рухсатномаларни расмийлаштиришнинг ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқа янада қулайроқ тартиби белгиланган бўлса, қулайроқ бўлган тартиб қўлланади.

6. «Навой» ЭИИЗ дирекциясининг хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига кириш визаси бериш учун ёзма илтимосномасини кўриб чиқиш муддати илтимоснома берилган кундан бошлаб икки иш кунидан ошмаслиги керак.

7. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига (кириш, кириш-чиқиш) кириш визалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан, улар мавжуд бўлмаган тақдирда — бошқа мамлакатларнинг улар билан айрим консуллик функцияларини бажариш тўғрисида ахдлашув мавжуд бўлган дипломатик ваколатхоналари томонидан;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий мамлакатларга қатновлар мавжуд бўлган аэропортлардаги консуллик бюроси томонидан берилади.

8. Ўзбекистон Республикасига кириш визалари «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга бир йилгача муддатга ёки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан берилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси амал қиладиган муддатга берилади.

9. Ўзбекистон Республикасига кириш учун кўп марталик визалар «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга бир йилгача муддатга ёки Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси амал қиладиган муддатга берилади.

10. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш визалари олиш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-аризани, миллий паспортни ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни, «Навой» ЭИИЗ дирекцияси илтимосномасини, Ўзбекистон Республикасига контрактлар (шартномалар) бўйича ишлаш учун уч ойдан кўп муддатга келаётганлар эса — Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномани ҳам тақдим этадилар.

11. Кириш визаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида

ҳақиқийдир, хорижий фуқароларнинг кириши учун ёпиқ бўлган жойлар, объектлар бундан мустасно.

12. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг кириш учун очиқ бўлган ҳудуди бўйлаб эркин юришлари мумкин.

III. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидалари

13. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар «Навой» ЭИИЗга туташган, уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмалар қуриш учун ажратилган ва «Навой» ЭИИЗ Бош режасида назарда тутилган ҳудудда яшайдилар.

«Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар «Навой» ЭИИЗ дирекцияси ва ички ишлар органлари билан келишган ҳолда бошқа ҳудудда ҳам яшаши мумкин.

14. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий паспортлари ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш асосида яшайдилар. Миллий паспортлар ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлар етиб келгандан кейин бир сутка мобайнида вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун «Навой» ЭИИЗ дирекциясига тақдим этилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно.

15. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш Навой вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан амалга оширилади.

16. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар «Навой» ЭИИЗ дирекциясининг ёзма мурожаатномалари асосида Навой вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилади. Мурожаатномалар, байрам ва дам олиш кунларидан ташқари, рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган хорижий фуқаролар томонидан вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун миллий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар топширилган вақтдан бошлаб уч сутка мобайнида берилиши керак.

«Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш «Навой» ЭИИЗ дирекцияси ёзма мурожаатномаларида кўрсатилган давр учун, лекин виза амал қиладиган муддат доирасида бир кун муддатда амалга оширилади.

17. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказишдан озод қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. «Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар миллий паспортларини ёки уни ўрнини босадиган ҳужжатларини ўзи билан бирга олиб юришлари шарт.

«Навой» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар миллий паспорти ёки

унинг ўрнини босадиган ҳужжатлари йўқолганлиги тўғрисида дарҳол «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига ва ички ишлар органларига хабар қилишлари керак.

19. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар томонидан шахсий ва хизмат автотранспорт воситасидан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаларини қўлланиш, хорижий фуқароларнинг транспорт воситаларини давлат техник кўригидан ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига тегишли бўлган автототранспортни фойдаланиш учун хорижий фуқароларга ёки Ўзбекистон Республикасида яшайдиган хорижий фуқароларга бериш белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юриши, шунингдек Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш, уларнинг бу ерда бўлиш муддатини қисқартириш ва уларни республикадан ташқарига чиқариб юбориш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

IV. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш визаларини расмийлаштириш тартиби

21. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасидан чиқиш визаларини (чиқиш, чиқиш-кириш визаларини) бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси:

б) Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан амалга оширилади.

22. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар визалар бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун миллий паспортини ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатини кўрсатган ҳолда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиладилар.

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси илтимоснома ва икки нусхада тўлдирилган белгиланган шаклдаги анкета-ариза билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ёки Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилади.

23. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш визаларини (чиқиш, чиқиш-кириш визаларини) бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан буюртманомасини кўриб чиқиш муддати буюртманома берилган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаслиги керак.

24. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларга кўп марталик чиқиш-кириш визалари бир йилгача муддатга ёки Агентлик томонидан бе-

рилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси амал қиладиган муддатга берилади.

25. Ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ички ишлар органлари «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаронинг анкета-аризасини кўриб чиқиш натижаларига кўра амал қилиш муддати кўрсатилмаган чиқиш визасини хорижий фуқаронинг миллий паспортига ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатига ёпиштириб қўяди.

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар кўп марталик чиқиш-кириш визалари ёпиштириб қўйилгандан кейин «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг билдиришномаси билан чет элга кўп марта лаб чиқишлари мумкин.

V. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқароларнинг ишга ёлланиш тартиби

26. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келаётган хорижий фуқаро фақат ўзининг номига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда Агентлик томонидан берилган меҳнат фаолиятига ҳуқуқнинг тасдиқномаси (кейинги ўринларда тасдиқнома деб аталади) мавжуд бўлган тақдирдагина ишга ёлланиши мумкин.

Бунда тасдиқноманинг амал қилиш муддати хорижий ишчи кучини жалб этиш ҳуқуқига берилган рухсатноманинг амал қилиш давридан ошмаслиги керак.

27. Иш берувчига Агентлик томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда хорижий ишчи кучини жалб этиш ҳуқуқига рухсатнома (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) тасдиқнома бериш учун асос ҳисобланади.

Рухсатнома бир йил муддатга берилади ва бу муддат томонларнинг келишувига кўра, иш берувчи томонидан ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш асосида, меҳнат контрактининг амал қилиш муддати ўтгунгача узайтирилади.

28. Хорижий ходим учун тасдиқнома иш берувчига хорижий ишчи кучини жалб этиш ҳуқуқига рухсатнома билан биргаликда берилади.

29. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси рухсатнома/тасдиқномани олиш учун Агентликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

белгиланган шаклдаги ариза;

«Навоий» ЭИИЗ хўжалик фаолияти қатнашчиси гувоҳномасининг нусхаси;

«Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг илтимосномаси;

хорижий ходимнинг фотосуратли анкетаси;

хорижий ходим учун ОИВ-инфекцияси йўқлиги тўғрисидаги сертификат;

миллий паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг нусхаси;

контракт лойиҳаси ёки хорижий ходимларни жалб этиш нияти ва шартлари тўғрисида хорижий фуқаролар ёки хорижий ташкилотлар билан олдидан аҳдлашилганликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Рухсатнома/тасдиқнома муддатини узайтириш учун қуйидаги ҳужжатлар такдим этилади:

белгиланган шаклдаги ариза;

«Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг илтимосномаси;

хорижий ходимнинг фотосуратли анкетаси;

хорижий ходим учун ОИВ-инфекцияси йўқлиги тўғрисидаги сертификат;

миллий паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг нусхаси;

рухсатнома/тасдиқноманинг асл нусхаси.

30. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги хорижий фуқаролар учун рухсатнома/тасдиқнома бериш юзасидан ҳужжатларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармаси хулосаларини талаб қилмасдан амалга оширилади.

31. Рухсатнома/тасдиқнома бериш (унинг муддатини узайтириш) тўғрисидаги қарор Агентлик томонидан, иш берувчи ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган ҳужжатларни берган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида қабул қилинади.

32. Рухсатнома бошқа иш берувчиларга берилмайди. Рухсатнома асосида жалб этиладиган хорижий ходимлар бошқа иш берувчига ишлаш учун ўтказилиши мумкин эмас.

33. Рухсатнома/тасдиқноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни бекор қилиш, шунингдек хорижий ходимларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. Яқуний қоида

34. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни бажариш юзасидан хатти-ҳаракатлар
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Хатти-ҳаракатлар	Муддатлар
Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш учун визаларни расмийлаштириш			
1-босқич	«Навой» ЭИИЗ дирекцияси	«Навой» ЭИИЗ дирекцияси Ташқи ишлар вазирлигига расмийлаштириш учун ёзма илтимоснома беради (5-банд).	заруриятга кўра
2-босқич	Ташқи ишлар вазирлиги	Ташқи ишлар вазирлиги «Навой» ЭИИЗ дирекциясининг виза бериш юзасидан ёзма илтимосномасини кўриб чиқади (6-банд).	икки иш куни мобайнида
3-босқич	Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари	Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг аэропортлардаги консуллик бюрolari хорижий фуқароларга визалар беради (7-банд).	бир иш куни мобайнида
4-босқич	Хорижий фуқаролар	Хорижий фуқаролар визаларни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига ёки Ташқи ишлар вазирлигининг аэропортлардаги консуллик бюрolarига мурожаат қиладилар (10-банд).	«Навой» ЭИИЗ дирекциясининг билдиришномасини олгандан кейин

Босқичлар	Субъектлар	Хатти-ҳаракатлар	Муддатлар
Хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтириш			
5-босқич	Хорижий фуқаролар	Хорижий фуқаролар вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш учун «Навой» ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиладилар (14-банд).	«Навой» ЭИИЗ худудига келгандан кейин бир сутка мобайнида
6-босқич	«Навой» ЭИИЗ дирекцияси	«Навой» ЭИИЗ дирекцияси хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш учун Навой вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ёзма мурожаатнома беради (16-банднинг биринчи хатбоши).	уч сутка мобайнида
7-босқич	Навой вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Навой вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими хорижий фуқароларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва унинг муддатини узайтиради (16-банднинг иккинчи хатбоши).	бир сутка муддатда
Хорижий фуқаролар визаларининг муддатини узайтириш			
8-босқич	Хорижий фуқаролар	Хорижий фуқаролар «Навой» ЭИИЗ дирекциясига визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш юзасидан мурожаат қиладилар (22-банднинг биринчи хатбоши).	визанинг амал қилиш муддати тугагунгача
9-босқич	«Навой» ЭИИЗ дирекцияси	«Навой» ЭИИЗ дирекцияси Навой вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига виза бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан илтимоснома беради (22-банднинг иккинчи хатбоши).	ўша куннинг ўзида
10-босқич	Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Навой вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ёки Навой вилояти ИИБнинг Кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими виза беради ва унинг амал қилиш муддатини узайтиради (23-банд).	беш иш куни мобайнида

Босқичлар	Субъектлар	Хатти-ҳаракатлар	Муддатлар
Меҳнат фаолияти ҳуқуқи учун рухсатнома/тасдиқномани расмийлаштириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш			
11-босқич	«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси	«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига тегишли ҳужжатларни тақдим этади (29-банд).	заруриятга кўра
12-босқич	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги меҳнат фаолияти ҳуқуқи учун рухсатнома/тасдиқнома бериш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисида қарор қабул қилади (31-банд).	ўн иш куни мобайнида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**189 «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ–4059-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг маъмурий кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

хўжалик юритувчи субъектларни «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг хўжалик фаолияти қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Навоий вилояти ҳокимлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг бош режасида турар жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш учун «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига туташиб кетган 100 гектаргача майдондаги қўшимча ер участкасини назарда тутсин ҳамда ер участкаси зарур кадастр жиҳатдан расмийлаштирилган ва фойдаланиш ва бошқариш учун «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасига берилган ҳолда белгиланган тартибда ажратилишини амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 апрель,
105-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг
маъмурий кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) фаолият кўрсатиши тартибини белгилайди.

2. Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган коллегиял орган ҳисобланади.

Маъмурий кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Маъмурий кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

II. Маъмурий кенгашнинг асосий вазифалари

4. Қуйидагилар Маъмурий кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади: «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навой» ЭИИЗ деб аталади) фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш;

юқори технологик, жаҳон бозорларида рақобатбардошли маҳсулотларнинг кенг доирасини ишлаб чиқариш учун замонавий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологиялари жорий этилишини назарда тутадиган «Навой» ЭИИЗни ўртача муддатли ва узоқ муддатли ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш;

«Навой» ЭИИЗ фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Дирекциянинг «Навой» ЭИИЗни ривожлантириш бўйича асосий вази-

фалари ва йўналишларини белгилаш ҳамда унинг фаолияти устидан назорат қилиш;

тасдиқланган мезонлар асосида «Навой» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштиришда инвесторларнинг инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

«Навой» ЭИИЗнинг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа вазифалар.

III. Маъмурий кенгашнинг функциялари ва ҳуқуқлари

5. Юкланган вазифаларга мувофиқ Маъмурий кенгаш қуйидаги функцияларни амалга оширади:

«Навой» ЭИИЗни ўртача муддатли ва узоқ муддатли ривожлантириш ҳамда унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналиши бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

«Навой» ЭИИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган йиллик инвестиция дастурлари ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлайди, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади;

«Навой» ЭИИЗнинг бош режасини кўриб чиқади ва марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган «Навой» ЭИИЗнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини куриш лойиҳаларини тасдиқлайди;

«Навой» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни, «Навой» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаларини ва маблағлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди;

давлат мулки бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг ижара қийматини белгилаш йўли билан «Навой» ЭИИЗ фаолиятининг бутун даври мобайнида «Навой» ЭИИЗ ҳудудидан фойдаланиш ва бошқаришни амалга оширади, ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан «Навой» ЭИИЗ фаолият кўрсатишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боради;

тасдиқланган инвестиция дастурлари ва бошқа ташкилий-техник тадбирлар асосида «Навой» ЭИИЗ дирекциясининг амалий саъй-ҳаракатлари режасини тасдиқлайди;

қабул қилинган қарорлар Дирекция томонидан ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек «Навой» ЭИИЗнинг мустақил бюджети ва «Навой» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилади ва мониторинг олиб боради;

«Навой» ЭИИЗ дирекцияси директорини тайинлайди, у билан меҳнат шартномаси тузади ва унинг фаолияти тартибини белгилайдиган ҳужжатларни тасдиқлайди;

«Навойй» ЭИИЗ дирекцияси штат жадвалини ва унинг харажатлари сметасини тасдиқлайди;

«Навойй» ЭИИЗ дирекциясига «Навойй» ЭИИЗ хўжалик фаолияти қатнашчилари билан тегишли ижара шартномаси тузиш ваколатини беради;

хар чораклик асосида директорнинг «Навойй» ЭИИЗ дирекцияси молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитади;

«Навойй» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлайди, инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг асосий шартларини белгилайди;

қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битимларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Маъмурий кенгаш унинг ваколатига киритилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

6. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралардан, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Маъмурий кенгашнинг ваколатига тегишли бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг, шунингдек Маъмурий кенгаш аъзоларининг Маъмурий кенгаш ваколатига тегишли масалалар бўйича ҳисоботлари ва маърузаларини мажлисларда эшитиш;

кенгаш фаолиятининг энг муҳим масалалари ва унга юкланган вазифаларни амалга ошириш бўйича таклифларни ўрганиш ва тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

халқаро эътироф этилган компанияга «Навойй» ЭИИЗни бошқариш бўйича ҳуқуқларни шартнома асосида бериш учун бундай компанияни танловда танлаш тартиби ва шартларини белгилаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралардан, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек «Навойй» ЭИИЗ худудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвестиция буюртманомалари берадиган инвесторлардан таклиф этилаётган лойиҳа билан боғлиқ статистик маълумотларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳуқуқига эга.

Маъмурий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Маъмурий кенгаш фаолиятини ташкил этиш

7. Маъмурий кенгашга раис бошчилик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар қиради:

Маъмурий кенгаш мажлислари кун тартибини белгилаш ва уларни чақириш;

Маъмурий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши назорат қилинишини ташкил этиш;

юкланган вазифалар бўйича Маъмурий кенгаш аъзоларининг ишини мувофиқлаштириш;

Маъмурий кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан бошқа саъй-ҳаракатларни бажариш.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Маъмурий кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

9. Маъмурий кенгашнинг ишчи органи:

Маъмурий кенгашнинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ҳамда унга «Навоий» ЭИИЗ дирекциясидан, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралардан, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ва Маъмурий кенгаш аъзоларидан зарур материаллар ва эксперт хулосаларни олиш ҳуқуқи берилади;

кун тартиби масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланишини ташкил этади ва кўриб чиқиш учун уларни Маъмурий кенгашга тақдим этади;

Маъмурий кенгашнинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни Маъмурий кенгашнинг кўриб чиқиши учун тақдим этади.

10. Маъмурий кенгаш ўз мажлисини заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта ўтказиши мумкин.

11. Мажлисни Маъмурий кенгаш раиси ўтказиши мумкин, у бўлмаганда эса — у томонидан ваколат берилган Маъмурий кенгаш раисининг ўринбосари ўтказиши мумкин.

Маъмурий кенгаш мажлиси, агар рўйхатдан ўтказиш тамом бўлиши пайтида мажлисда қатнашиш учун кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми рўйхатдан ўтган бўлса ҳуқуқий ваколатли бўлади (кворумга эга бўлади).

12. Маъмурий кенгашнинг қарори мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Маъмурий кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Маъмурий кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикрини ёзма ифодалаш ҳуқуқига эга.

Маъмурий кенгаш раиси қарорлар тезкор қабул қилиниши мақсадида комиссия аъзолари билан келишилган айрим масалалар бўйича сўров ўтказиш йўли билан кенгашнинг қарорини тасдиқлаши мумкин.

13. Маъмурий кенгаш қарорлари Маъмурий кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Маъмурий кенгаш мажлисининг баённомасига унинг барча аъзолари виза қўяди, котиб томонидан имзоланади, Маъмурий кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Маъмурий кенгаш аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Маъмурий кенгаш баённомасининг асл нусхаси ва унга оид материаллар ишчи органда сақланади.

14. Маъмурий кенгаш қарорлари бажарилишини назорат қилиш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

15. Ишчи орган Маъмурий кенгаш қарорлари бажарилишини мунтазам равишда ўрганади ва кўриб чиқади, зарурият бўлса Маъмурий кенгаш раисига тегишли таклифларни киритади.

16. Маъмурий кенгаш аъзоларидан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин. Маъмурий кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги асосланган талаб ёзма шаклда ишчи органга юборилади.

17. Навбатдаги мажлисда кўриб чиқиш учун Маъмурий кенгаш кун тартибига киритилган масалалар ишчи орган томонидан мажлис ўтказилишидан олдин 5 кундан кечикмай Маъмурий кенгашнинг ҳар бир аъзосига юборилади.

18. Кун тартиби ўзгарган тақдирда ишчи орган Маъмурий кенгашнинг ҳар бир аъзосини мажлис бошланишидан олдин уч кундан кечикмай бундан ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

19. Маъмурий кенгаш «Навоий» ЭИИЗ тугатилгандан кейин белгиланган тартибда ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан муддатидан олдин ўз фаолиятини тўхтатади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида
жойлаштириш учун инвесторларни танлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун унда жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартибини тартибга солади.

2. «Навоий» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлаш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш Маъмурий кенгашнинг ишчи органига ва «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига юкланади.

II. Инвесторларни танлашни ташкил этиш босқичлари

3. «Навоий» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлаш икки босқичда амалга оширилади.

4. Танлашнинг биринчи босқичида инвестор «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштиришга тўлдирилган инвестиция

буюртманомасини (кейинги ўринларда инвестиция буюртманомаси деб аталади) тақдим этади. Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

инвестор давлат рўйхатидан ўтказганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма;

таклиф этилаётган лойиҳанинг бизнес-режаси;

юридик шахснинг тегишли соҳадаги иш тажрибасининг тасдиқномаси, тегишли соҳада амалга оширилган шунга ўхшаш лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахс мавжуд бўлган давр, бироқ камида охириги уч йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

инвесторнинг ваколатли шахслари имзолари намуналарини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Барча ҳужжатлар инвестор томонидан «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига давлат тилига ёки рус тилига ўгирилган таржима белгиланган тартибда илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

5. «Навоий» ЭИИЗ дирекциясига тақдим этиладиган бизнес-режада қуйидаги асосий ҳолатлар акс эттирилиши керак:

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг номи, ҳажми ва тури;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мўлжалланаётган нархи ва сотиш бозорлари, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган инфра-тузилмавий ва муҳандислик иншоотлари;

ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш учун «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди участкасининг мўлжалланаётган ўлчамлари;

хом ашё базаси мавжудлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш даврида хом ашё ва материаллар билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятлари;

экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда мўлжалланаётган ишлаб чиқаришнинг технологияси тавсифи;

фойдаланиш мўлжалланаётган савдо маркаси тўғрисидаги маълумотлар;

иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоби, шунингдек лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечими;

ишлаб чиқаришда фойдаланиш мўлжалланаётган технологик асбоб-ускуналарнинг хусусияти;

мўлжалланаётган капитал қўйилмалар миқдори, молиялаштириш манбалари ва қарз маблағлари жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган гаров таъминоти;

ташқил этиладиган иш ўринлари сони.

6. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси 5 иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган талабларга мувофиқлигини кўриб чиқади.

Айрим ҳолларда танловда қатнашиш учун берилган инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишда лойиҳа бўйича қўшимча маълумотлар/ҳужжат-

лар сўралиши мумкин. Бундай ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан қўшимча сўралган маълумотлар/ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

7. Танловда қатнашиш учун берилган инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

инвестиция буюртманомаси белгиланган талаблар бузилган ҳолда берилган бўлса;

инвестор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда:

ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар мавжуд бўлса;

инвестор таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш учун зарур молиявий маблағларга ва техник воситаларга эга эканлиги ёки эга бўлишининг исботи мавжуд бўлмаса.

8. Иккинчи босқичда инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция буюртманомалари, ҳужжатлар Дирекция директори томонидан имзоланган тегишли хулоса илова қилинган ҳолда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан Маъмурий кенгашнинг ишчи органига берилади.

III. Маъмурий кенгаш томонидан инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш тартиби

9. Ишчи орган «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан тақдим этилган инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Маъмурий кенгашга киритади.

10. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвесторни танлаш бўйича қарор қабул қилишда Маъмурий кенгаш:

инвесторнинг молиявий ва технологик қурбини;

лойиҳанинг умумий иқтисодий самарадорлиги ва уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини (ишлаб чиқариш қувватларини оқилона жойлаштириш, ташкил этиладиган иш ўринлари, тармоқдаги таркибий ўзгартиришларга таъсири, ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш, зарур хом ашё, материаллар ва инфратузилма мавжудлигини);

хам ички, хам ташқи бозорларда тайёр маҳсулотни сотиш имконияти ва истикболларини;

дастлабки 4 рақамдан бири даражасида бирламчи хом ашё билан таққослаганда ТИФ ТН коди бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ва пировард маҳсулотнинг товар позицияси ўзгаришини;

технологик асбоб-ускуналар даражасининг замонавий сифат стандартларига (ИСО 9001 ва ИСО 14001) мувофиқлиги, лойиҳада халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизими мавжудлигини;

ташкил этилаётган корхона ходимлари штатини жалб этилган ходимлар умумий сонининг камида 80 фоизи миқдорда Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан бутлаш, уларга стажировкадан ўтиш ва малака ошириш имкониятини беришни;

тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини;

Маъмурий кенгашнинг қарори билан белгиланадиган бошқа омилларни кўриб чиқади.

Инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни изчил технологик қайта ишлашда ўзаро ҳамкорлик қиладиган юридик шахслар ташкил этиш орқали «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини таъминлашни назарда тутадиган лойиҳаларга устунлик берилади.

11. Маъмурий кенгаш инвестиция буюртманомаларини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва:

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш мумкинлиги;

аниқ ва асосланган мулоҳазалар ва камчиликларни кўрсатган ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар пухта ишланиши зарурлиги;

ишлаб чиқаришни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

12. Агар кўриб чиқиш жараёнида Маъмурий кенгаш томонидан инвестор ўзи тўғрисида нотўғри маълумотларни тақдим этганлигидан далолат берадиган ҳолатлар аниқланса, уни кўриб чиқиш тўхтатилади ва инвесторга асосланган хулоса юборилади.

13. Ушбу Низомнинг 11-банди учинчи хатбошига мувофиқ пухта ишланган инвестиция буюртманомалари кўриб чиқиш учун такроран бевосита Маъмурий кенгашга киритилади.

14. Инвестиция буюртманомаси бўйича Маъмурий кенгашнинг ижобий қарори Маъмурий кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади ҳамда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ва инвестор ўртасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида Инвестициялаш тўғрисида битим тузиш учун асос ҳисобланади.

15. Мажлис баённомаси нусхаси Маъмурий кенгашнинг қарори билан биргаликда Маъмурий кенгаш баённомаси тасдиқланган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида ишчи орган томонидан инвесторга ёки унинг ваколатли шахсига юборилади.

IV. Жавобгарлик

16. Инвестор тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги, ўз мажбуриятларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида, тўлиқ ва зарур тарзда бажарилиши учун жавоб беради.

17. Маъмурий кенгаш аъзолари, ишчи орган ва «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси махфий маълумотлар ошкор қилинганлиги, инвестиция буюртманомалари ва унга илова қилинган материаллар ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ва сифатсиз кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларни «Навой» эркин
индустриал-иқтисодий зонасининг хўжалик фаолияти
қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни хўжалик фаолияти қатнашчилари (кейинги ўринларда «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси деб аталади) сифатида рўйхатга олиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

2. «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Навой» ЭИИЗ деб аталади) қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш уч босқичда амалга оширилади:

I босқич — «Навой» ЭИИЗ маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) томонидан «Навой» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштиришга инвесторларни танлаш;

II босқич — «Навой» ЭИИЗ дирекцияси билан «Навой» ЭИИЗда жойлаштиришга танловдан ўтган инвестор ўртасида «Навой» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) келишиш ва тузиш;

III босқич — қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектларни «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритиш.

3. «Навой» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади.

II. Инвестициялаш тўғрисида битим тузиш тартиби

4. Ўтказилган танлов натижалари бўйича «Навой» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун Маъмурий кенгашнинг ижобий қарорини олган инвесторлар инвестициялаш тўғрисидаги битимни келишиш ва тузиш учун «Навой» ЭИИЗ дирекциясига мурожаат қиладилар.

5. Инвестициялаш тўғрисидаги битим «Навой» ЭИИЗ дирекцияси ва инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади ҳамда:

инвестициялар объекти ва ҳажми, «Навой» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолият турлари;

инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатлари ва шартлари;

инвесторнинг қуйидагилар:

инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг кафолатланган даражаси ва маҳсулот сифати, ўзи ишлаб чиқарган товарларни ва ишлар (хизматларни) экспорт қилиш ҳажми, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва техника хавфсизлиги, мол-мулкни суғурта қилиш ва жавобгарлик, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа жиҳатлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

«Навой» ЭИИЗ дирекциясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш устидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

инвестор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

жойлашиш жойи ва ажратиладиган ер участкаси ўлчами;

инвестициялаш тўғрисидаги битим шартларига риоя қилинмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

инвестициялаш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битимни тўхтатиш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битимдан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойига доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Инвестициялаш тўғрисидаги битимда инвестиция лойиҳасининг ўзига хослигига қараб бошқа шартлар, шу жумладан қуйидаги шартлар бўлиши мумкин:

ишлаб чиқариш, муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларидан бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича инвесторнинг мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект ходимларини ўқитиш бўйича инвесторнинг мажбуриятлари.

6. Инвестициялаш тўғрисидаги битимни тайёрлаш учун инвестор «Навой» ЭИИЗ дирекциясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси;

«Навой» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун Маъмурий кенгашнинг ижобий қарори нусхаси;

лойиҳанинг бизнес-режаси нусхаси.

7. Инвестордан ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилмаган қўшимча маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳақиқийлиги учун жавоб берадилар.

9. Инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси ва бошқа материаллар

«Навой» ЭИИЗ дирекцияси томонидан улар олинган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Зарурият бўлганда «Навой» ЭИИЗ дирекцияси инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг айрим қоидалари бўйича ваколатли давлат органларининг хулосасини сўраши мумкин. Бунда инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳасини кўриб чиқишнинг умумий муддати ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган муддатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

10. Зарурият бўлган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидаларини келишиш мақсадида «Навой» ЭИИЗ дирекцияси билан инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилиши мумкин.

11. Инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестициялаш тўғрисидаги битимда белгиланган муддатга ва «Навой» ЭИИЗ дирекцияси фаолият кўрсатишидан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади.

12. Инвестор билан «Навой» ЭИИЗ дирекцияси ўртасида инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестор томонидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектга «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг гувоҳномаси берилган санадан бошлаб кучга киради.

13. Инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши: инвестициялаш тўғрисидаги битим тузилган муддат тамом бўлгандан кейин;

шахс «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда; «Навой» ЭИИЗ муддатидан олдин тугатилган тақдирда; конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

III. Хўжалик юритувчи субъектларни «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари сифатида рўйхатга олиш тартиби

14. Инвестор инвестициялаш тўғрисидаги битим имзоланган пайтдан бошлаб 10 иш куни мобайнида конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи органга у томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

15. «Навой» ЭИИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвесторлар томонидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш инвесторнинг ихтиёрига кўра:

инвесторнинг ўзи томонидан;

шартнома асосида — «Навой» ЭИИЗ дирекцияси ёхуд бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

17. Давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилгандан кейин инвестор томонидан «Навой» ЭИИЗ дирекциясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

«Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси реестрига киритишга ариза;
юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳно-
манинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

«Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси сифатида Маъмурий кенгаш томонидан
белгиланган миқдорда рўйхатдан ўтказилганлик учун тўлов тўланганлиги-
ни тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

18. «Навойй» ЭИИЗ дирекцияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида икки
иш куни мобайнида хўжалик юритувчи субъектни «Навойй» ЭИИЗ қатнаш-
чилари реестрига киритади ва «Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси гувоҳномасини
беради.

19. «Навойй» ЭИИЗ дирекцияси «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари реест-
рига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб бир кун муддатда ўз ҳудуди-
да жойлашган давлат солиқ ва божхона хизмати органлари бўлинмаларига
хўжалик юритувчи субъект «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига кири-
тилганлиги тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

20. «Навойй» ЭИИЗ дирекцияси томонидан бериладиган «Навойй» ЭИИЗ
қатнашчиси гувоҳномаси хўжалик юритувчи субъектлар «Навойй» ЭИИЗ
қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат
ҳисобланади.

21. Таъсис ҳужжатларида қайд этилган «Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси-
нинг устав фонди қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллан-
тирилиши керак.

22. «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари ишлаб чиқариш дастурларини мус-
тақил шакллантирадилар ва ўзлари ишлаб чиқарган ўзлари тўлиқ тасарруф
қиладиган маҳсулотларни (ишлар, хизматларни) сотадилар, «Навойй» ЭИИЗ
ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар, ишлар (хизматлар) бўйича қонун
ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташқи иқтисодий операцияларни амалга
ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

23. Хўжалик юритувчи субъектни «Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси мақо-
мидан маҳрум қилишга фақат «Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси томонидан қонун
ҳужжатлари ва инвестициялаш тўғрисидаги битим бузилган тақдирда «На-
войй» ЭИИЗ дирекциясининг аризаси бўйича йўл қўйилади ҳамда бу ин-
вестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши тўхтатилишига олиб ке-
лади.

«Навойй» ЭИИЗ дирекцияси суднинг хўжалик юритувчи субъектни
«Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарори
кучга кирган санадан бошлаб уч кун мобайнида «Навойй» ЭИИЗ қатнашчи-
лари реестрига хўжалик юритувчи субъектлар «Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси
мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритади.

24. «Навойй» ЭИИЗ дирекцияси «Навойй» ЭИИЗ қатнашчилари реест-
рига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб бир кун муддатда ўз ҳудуди-
да жойлашган давлат солиқ ва божхона органларига хўжалик юритувчи
субъект «Навойй» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганлиги тўғри-
сидаги маълумотларни маълум қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**190** Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1046-сон қарорини бажариш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 7 апрелдаги ПФ–4102-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 мартдаги 42-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 22-бандининг биринчи хатбошидаги «3 йил муддатга» сўзлари «5 йил муддатга» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 апрель,
107-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

191 Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935*

(2009 йил 16 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 515-модда) 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 27 февраль,
31-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 27 февраль,
2009-13-сон

Б. ПАРПИЕВ

Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 27 февралдаги 31, 2009-13-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта
тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни
тақсимлаш ҳақида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 515-модда) 9-бандига мувофиқ газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумини корхоналар томонидан мажбурий сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари махсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи инвесторларга татбиқ этилмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Газ экспорти ва транзити билан шуғулланувчи барча корхоналар (кейинги ўринларда экспорт қилувчи корхоналар деб юритилади) валюта тушуми қисмини мажбурий сотишни ўрнатилган тартибда амалга оширадилар.

2. Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушуми қисмини мажбурий сотишдан олинадиган маблағлар экспорт қилувчи корхоналарга хизмат кўрсатувчи банкда очилган алоҳида махсус ҳисоб рақамга кирим қилинади (кейинги ўринларда махсус ҳисоб рақам деб юритилади).

Махсус ҳисоб рақамга бошқа манбалардан маблағлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

II. Мажбурий сотишдан олинган маблағларни тақсимлаш

3. Махсус ҳисоб рақамдан маблағлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

а) биринчи навбатда бюджетга, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига тўловлар бўйича:

экспорт қилувчи корхонанинг ўзининг қарзини тўлашга;

экспорт қилувчи корхонанинг қарзи (тўғридан-тўғри ёки «Ўзбекнефтегаз» МХКнинг бошқа корхоналари орқали) мавжуд бўлган ҳамда бюджетга, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига тўловлар бўйича қарзи мавжуд «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналарининг қарзини тўлашга;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 10-бандида кўзда тутилган мақсадларга.

4. Мазкур Низомнинг 3-банди «а» кичик бандида қайд этилган ҳолларда экспорт қилувчи корхона махсус ҳисоб рақамдаги маблағларни бюджетга, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига тўловлар бўйича қарзларини келгусида тўлаш учун «Ўзбекнефтегаз» МХК олдидаги кредиторлик қарздорликни (тасдиқланган солиштирма далолатномага мувофиқ) қоплашга йўналтиради. Бунда маблағлар алоҳида тўлов орқали ўтказилади, тегишли тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсади» бандида эса тўловнинг мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилганлиги кўрсатилади. Ушбу маблағларни «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисида»ги низомга (2005 йил 14 январь, рўйхат рақами 1441 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 2-сон, 12-модда) мувофиқ тақсимлашга йўл қўйилмайди.

5. «Ўзбекнефтегаз» МХК ҳар бир ҳисобот чораги бошланишидан камидан беш кун олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигига махсус ҳисоб рақамдан маблағларни бюджетга, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига йўналтиришнинг тегишли чорак учун прогноз кўрсаткичларини тақдим қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойнинг 15-насидан кечиктирмай Молия вазирлиги ва «Ўзбекнефтегаз» МХКга валюта тушуми қисмини мажбурий сотишдан олинган сўмдаги маблағларни «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари бўйича бюджетга, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига йўналтириш бўйича жорий ой учун тақсимот тақдим қилади.

7. График бўйича махсус ҳисоб рақамга маблағларнинг навбатдаги келиб тушиши қуйидаги ҳолларда кутилаётган тақдирда, экспорт қилувчи корхона зарурият юзасидан жорий ой бўйича мазкур Низомнинг 3-бандида қайд этилган келгуси тўловларни амалга ошириш учун махсус ҳисоб рақамдаги маблағлар қолдиғи доирасида:

а) тегишли тўловларни амалга ошириш муддати келгандан сўнг;

б) жорий ой учун белгиланган тўлов миқдоридан кам миқдорда маблағ кутилганда маблағларни захира қилиб қўяди.

8. Экспорт қилувчи корхона ёки унинг кредиторларининг бюджет олдидаги, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдида қарзлари мавжуд бўлмаган ҳолларда махсус ҳисоб рақамдаги маблағлар мувофиқ равишда муддати кечиктирилган бюджет тўловлари, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси тўловларини амалга оширишга йўналтирилади (Ҳукумат

қарорларига кўра муддатидан олдин тўлаш имконияти мавжуд бўлмаган қарздорликлар бундан мустасно).

9. Юқорида қайд этилган тўловлар амалга оширилгач, ҳисоб рақамда қолган маблағлар экспорт қилувчи корхонанинг асосий депозит ҳисоб рақамига ўтказилади ва, давлат солиқ хизматининг тўловлар бўйича қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи маълумоти мавжуд бўлган ҳолда, ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ қонунчиликда кўзда тутилган тарзда сарфланади.

III. Яқуний қоидалар

10. Экспорт қилувчи корхоналар газ экспорти ва транзити бўйича операцияларнинг, шунингдек улардан тушган маблағларнинг махсус ҳисоб рақамдаги ҳаракатининг алоҳида ҳисобини олиб борадилар.

11. Экспорт қилувчи корхоналар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 насига қадар газ экспорти ва транзитидан тушган валюта тушумининг мажбурий сотилиши лозим бўлган миқдорини ҳисоблаб, қуйидаги Низомнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган тарзда рўйхатга олинган давлат солиқ хизмати органларига топширадилар.

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

13. Мазкур Низом ижроси назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

14. Мазкур Низом «Ўзбекнефтегаз» МХК билан келишилган.

«Ўзбекнефтегаз» МХК
Бошқаруви раиси

У. НАЗАРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 февраль*

Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларни сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомга
1-ИЛОВА

200_ йил _____ ойда газ экспортдан тушадиган валюта тушумлари ва валюта тушумларини мажбурий сотишдан олинадиган маблағлар ҳисоб-китоби бўйича (СТИР _____)

(ташкилот номи)

Газ сотиб олувчи ташкилот номи, жойлашган мамлакати	Газ экспорти ҳисобот ойда			Газ экспорти йил бошидан			Йил бошидан бери тушган тўловлар миқдори долл.*	Йил бошидан амалга оширилган мажбурий сотув миқдори долл.	шу жумладан ҳисобот ойда	Ҳисобот охиригача муддати ўтган дебитор қарздорлиги, долл.
	ҳажми, минг. куб. м.	минг. куб. м. баҳоси долл.	суммаси, долл.	ҳажми, минг. куб. м.	минг. куб. м. ўртача баҳоси долл.	суммаси, долл.				

Корхона раҳбари _____

Бош бухгалтер _____

* Йил бошигача бўлган муддатда экспорт қилинган газ ҳажми учун тўловлар чегирмасидан ташқари. Ўтган йил ҳажми бўйича тўловлар ҳақидаги маълумотлар йиллик ҳисобот билан бирга тақдим этилади.

Ҳисоб-китобда йил давомида тузилган ҳар бир экспорт шартномаси бўйича кўрсаткичлар, ҳисобот ойда экспорт амалга оширилмаган бўлса ҳам, алоҳида қаторда кўрсатилиши лозим.

Газ экспорти ва транзитидан тушадиган
валюта тушумларни сотишдан олинадиган
маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомга
2-ИЛОВА

200__ йил _____ ойида газ транзитидан тушадиган валюта тушумлари ва валюта тушумларини мажбурий сотишдан олинадиган маблағлар ҳисоб-китоби бўйича (СТИР _____)

(ташкilot номи)

Газ транзити билан шуғулланувчи ташкilot номи, у жойлашган мамлакат*	Ҳисобот ойида газ транзити				Йил бошидан газ транзити		Йил бошидан бери тушган тўловлар миқдори долл.**	Йил бошидан амалга оширилган мажбурий сотув миқдори долл.	шу жумладан ҳисобот ойида	Ҳисобот ойи охиригача муддати ўтган дебитор қарздорлиги, долл.
	ҳажми, минг. куб. м.	100 км.га минг. куб. м. тарифи долл.	транспор-тировка масофаси, км.	суммаси, долл.	ҳажми, минг. куб. м.	суммаси, долл.				

Корхона раҳбари _____

Бош бухгалтер _____

* СРП битим доирасида қазиб олинган газ транзитида шартнома ким билан тузилганлиги инобатга олиниб, инвестор ёки оператор номи кўрсатилиши керак.

** Йил бошигача бўлган муддатда транзит қилинган газ учун тўловлар чегирмасидан ташқари.

Ўтган йил ҳажми учун тўловлар ҳақида маълумот йиллик билан бирга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транспортировкага мўлжалланган ҳар бир йўналиш учун кўрсаткичлар алоҳида қаторда кўрсатилади.

Ҳисоб-китобда йил давомида тузилган ҳар бир транзит шартномаси бўйича кўрсаткичлар ҳисобот ойида экспорт амалга оширмаган бўлса ҳам, алоҳида қаторда кўрсатилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

192 Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936

(2009 йил 16 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида» ПҚ–303-сон қарорини бажариш ва умумий фойдаланишдаги автомобилда ташиш билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг иш фаолиятини қонуний тартибга солиш мақсадида **бюроман:**

1. Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи**

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 март,
19-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғининг
2009 йил 3 мартдаги 19-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва
техника хизмати тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

2004 й., 10-сон, 120-модда) асосан автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаланиш хизмати ҳамда техника хизматига оид вазифаларни белгилайди.

I. Асосий тушунчалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автотранспорт воситалари — йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

автомобилда ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

фойдаланиш хизмати — юк ва йўловчилар ташишни белгиланган режа ва шартномаларга мувофиқ равишда ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш, ташиш жараёнини бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш, ҳаракатланиш жадвалларини ишлаб чиқиш, йўловчилар ва юкларни хавфсиз ташиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи таркибий бўлинма.

техника хизмати — автотранспорт воситаларини техник жиҳатдан шай ҳолда сақлаш ва уларни ривожлантириш ишларини амалга оширувчи таркибий бўлинма.

меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати — корхонада хавфсиз ва соғлом иш шароитлари яратилганлигини ва барча ходимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этилишини назорат қилувчи, тармоқ бўлимлари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар берувчи, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритувчи таркибий бўлинма.

II. Умумий қоидалар

2. Фойдаланиш хизмати автомобилда ташувчи раҳбарига бевосита бўйсунувчи фойдаланиш бўлими бошлиғи томонидан бошқарилади.

Автотранспорт воситалари миқдори 150 тадан ортиқ бўлган тақдирда фойдаланиш хизматини автомобилда ташувчи раҳбарининг ташувларни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича ўринбосари бошқаради. Корхона раҳбари штат таркибига алоҳида фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимини киритиш ҳуқуқига эга.

3. Техника хизмати автомобилда ташувчи раҳбарига бевосита бўйсунувчи ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи томонидан бошқарилади.

Автотранспорт воситалари миқдори 150 тадан ортиқ бўлган тақдирда

техника хизмати раҳбар ўринбосари (бош муҳандис ва айна вақтда ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи) томонидан бошқарилади. Корхона раҳбари штат таркибига алоҳида ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи лавозимини киритиш ҳуқуқига эга.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) асосан, ходимлари сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш корхона раҳбари ёки унинг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

5. Юк ташувчи якка тартибдаги тадбиркор фойдаланиш хизмати ва техника хизматини фойдаланиш хизмати ва техника хизмати мавжуд бўлган корхоналар билан шартнома асосида амалга оширади.

III. Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати

1-§. Йўловчилар ташиш жараёнида фойдаланиш хизматининг вазифалари

6. Йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланаётган автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг ишини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи талабларга мувофиқ равишда ташкил этади;

б) автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш учун зарур шароитлар яратиб беради;

в) йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлган тақдирда транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўймайди;

г) автомобилда ташувчининг фаолият кўрсатадиган ҳудудидаги мавжуд йўналишлар ҳамда очилиш эҳтимоли бўлган янги йўналишлар бўйича йўловчилар оқимини ўрганади, йўловчилар ташишда автотранспорт воситасидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва маданиятини ошириш бўйича режалар тузади ва амалга оширади;

д) махсус ваколатли органларга (Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлимлари, Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг шаҳар атрофидаги ва шаҳарлараро-вилоятлар ичидаги йўналишларда йўловчилар ташишларни ташкил этиш бўйича комиссиялар, Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича

идоралараро комиссия ва ҳ. к.) янги йўналишлар очиш ва/ёки мавжудларини ўзгартириш, ҳаракат йўналиши, йўналиш масофаси ва ҳаракатланиш жадвалига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар беради;

е) йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун бўлиб ўтадиган очик тендерларда иштирок этишга талабгор сифатида қатнашади, тендерларда қатнашиш учун керакли ҳужжатларни (тендер таклифлари, тарифлар учун асослар ва ҳ. к.) тайёрлайди;

ж) автотранспорт воситаларининг ҳар бир йўналишдаги иш тартибини белгиловчи йўриқномаларни, автотранспорт воситаларини йўналишга чиқариш ва корхонага қайтариш жадвалини, автотранспорт воситаларининг йўналишлардаги ҳаракатланиш вақтлари меъёрларини ишлаб чиқади, шунингдек, автотранспорт воситаларини зарурий анжомлар (экипировкалар) билан таъминлайди;

з) йўл варақаларини расмийлаштириш, белгиланган миқдорда техник жиҳатдан соз, зарурий анжомлар билан таъминланган автотранспорт воситасини жадваллар асосида йўналишга етказиб туриш, фойдаланиш хизматига оид ҳисоб ва ҳисоботни юритиш ишлари бўйича диспетчерлик хизмати фаолияти ҳамда чипта ҳисобчилари иши устидан назорат олиб боради;

и) йўналишлардаги чипта сотувчиларни ва ҳайдовчиларни йўналишга чиқишда чипталар билан таъминланганликларини ҳамда иш якунида улар томонидан тушумларнинг топширилишини назорат қилади;

й) автотранспорт воситасининг йўналишдаги ишини тезкор диспетчерлик хизмати орқали бошқаради, шунингдек, йўналишдаги назоратни амалга оширади ҳамда йўналишга техник ёрдам автомобилларининг етказиб берилишини ташкиллаштиради;

к) ҳайдовчилар устидан тегишлича бошқарувни (ишга жалб қилиш, автомобилларга бириктириш) амалга оширади ҳамда автотранспорт воситасининг иш жадвалидан келиб чиққан ҳолда уларнинг иш тартибини белгилайди;

л) йўналишдаги бино ва иншоотлардан (автошоҳбекат, автобошбекат, тўхташ жойлари, диспетчерлик пунктлари) самарали фойдаланишни таъминлайди, уларда шикоят ва таклифлар дафтарларининг мавжудлигини назорат қилади, тушган шикоят ва аризаларнинг қатъий ҳисобини юритади, шунингдек, уларни кўриб чиқиб, тегишли муддатда жавоб қайтаради;

м) йўловчи ташиш транспортининг узлуксиз ишлашини таъминловчи бошқа турдаги ишларни амалга оширади.

2-§. Юк ташиш жараёнида фойдаланиш хизматининг вазифалари

7. Юк ташиш билан шуғулланувчи автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) автомобилда ташувчи хизмат кўрсатувчи ҳудудда мавжуд юк ташиш айланмаси ҳамда юкларнинг мавжудлиги, уларни ташиш йўналишлари

ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқади, юк жўнатувчи ва қабул қилувчилар бўйича ташиш режаларини ишлаб чиқади;

б) ташишлар учун буюртма ва аризалар қабул қилади, ташиш бўйича шартномалар тузади, шартномавий тарифларни келишиб олади, ташиш шартлари, шунингдек, алоҳида ҳолларда, ортиш-тушириш ишларининг ҳам бажарилишини ташкиллаштиради;

в) юкни жўнатиш ва қабул қилиш манзилларини ўрганиб чиқади, уларнинг автотранспорт воситасини қабул қилишга ҳамда ортиш-тушириш ишларини амалга оширишга тайёргарлигини аниқлайди, кириш йўллари, ёритилиш даражаси, тарозихонаси, ортиш ва тушириш майдонининг ҳолатини, юкловчилар ҳамда ортиш-тушириш механизмлари билан таъминланганлик даражасини текширади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

г) ташувларнинг оралиқ масофасини текширади, юк берувчининг вакиллари ҳамкорлигида уларни тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштиради, оралиқ масофаларнинг рўйхатини тузади;

д) автотранспорт воситасининг йўналишга чиқиш ҳамда корхонага қайтиш жадвалини тузади;

е) автомобилнинг юксиз қатнови имкон қадар кам бўлишини ва ташиш самарадорлигини инобатга олган ҳолда, юк ташиш бўйича ҳаракат жадвали ва йўналишини ишлаб чиқади;

ж) зарур ҳолларда, бир кеча-кундузлик тезкор ташувлар режасини тузади ҳамда ана шу режа асосида ҳар бир автомобиль учун тезкор топшириқни назарда тутувчи йўл варақаларини ёзиб беради ва бажариш учун ҳайдовчиларга топширади;

з) автотранспорт воситасининг йўналишдаги ишини диспетчерлик хизмати орқали бошқаради ва назоратни амалга оширади, шунингдек, ҳар бир йўналишга техник ёрдам автомобилларининг етказиб берилишини ташкиллаштиради;

и) ҳайдовчилар устидан маъмурий бошқарувни (ишга жалб қилиш, автомобилларга бириктириш) амалга оширади;

к) халқаро ташувларни амалга ошириш учун ҳайдовчиларнинг рухсатнома бланқалари билан таъминланишларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалий ёрдам кўрсатади;

л) юк ташиш автотранспортининг узлуксиз ишлашини таъминловчи бошқа ишларни амалга оширади.

3-§. Фойдаланиш хизматининг ташкилий тузилмаси

8. Фойдаланиш хизмати қуйидагилардан ташкил топади:

диспетчерлар гуруҳи (бош диспетчер ва навбатчи диспетчерлар);

йўналишдаги ходимлар (йўналиш диспетчери ва назоратчилар);

чипта сотувчи кассирлар (йўловчиларни ташишда);

автотранспорт воситалари гуруҳлари бошлиқлари (автотранспорт воситалари миқдори 150 тадан ортиқ бўлганда).

9. Диспетчерлар гуруҳи (бош диспетчер ва навбатчи диспетчерлар):

а) йўловчи ташишда — автобус, микроавтобус, такси ҳаракатини ташкиллаштириш, ҳаракатланиш жадвали ва тартибини ишлаб чиқиш, ташувларни тезкор равишда режалаштириш, автотранспорт воситасини йўналишга чиқариш жадвалининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш, йўл варақаларини расмийлаштириш, бериш, қабул қилиш ва таҳлил қилиш, йўналиш диспетчерларини бошқариш, техник ёрдам автомобилларини юбориш, ташкилотлардан йўловчиларни ташиш бўйича буюртмалар олиш ва уларни бажариш;

б) юк ташишда — шартномалар тайёрлаш, ташувларга буюртмалар қабул қилиш, уларни бажаришни тезкор равишда режалаштириш, йўл варақалари ҳамда товар-транспорт юкхатларини расмийлаштириш, бериш, қабул қилиш ва таҳлил қилиш, автотранспорт воситасининг йўналишдаги ишини бошқариш, техник ёрдам автомобилларини юбориш билан шуғулланади.

10. Йўналишдаги ходимлар (йўналиш диспетчери ва назоратчилар):

а) йўловчи ташишда — автобус, микроавтобус, таксиларнинг йўналишдаги ҳаракатини тезкор равишда бошқариш, ҳаракатланиш жадвали ва тартибига риоя этилишини назорат қилиб бориш, йўл ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳаракатланишни назорат қилиш журналани юритиш, тушумнинг тўлиқ йиғилишини назорат қилиш;

б) юк ташишда — юкларни ташишга тайёрлаш ҳамда автотранспорт воситалари ҳаракати учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини назорат қилиш, бажарилган ишлар қайдномасини юритишни амалга оширади.

11. Автотранспорт воситалари гуруҳлари бошлиқлари ўз навбатида хавфсиз сақланиши устидан назоратни таъминлайди, автотранспорт воситасининг жадвал асосида ва жамланган ҳолатда йўналишга чиқарилишини кузатиб боради, ҳайдовчилар, уларга бириктирилган ҳаракат воситалари ҳамда иш тартибини белгилаш устидан назоратни амалга оширади.

IV. Автомобилда ташувчининг техника хизмати

1-§. Техника хизматининг вазифалари

12. Техника хизмати қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) янги ва илғор технологияларни татбиқ этган ҳолда, автотранспорт воситасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларини ташкиллаштиради ҳамда иш фаолияти, таъмирлаш ишлари ва техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, узел ва агрегатлар миқдорининг камаймаслигини, шунингдек, автотранспорт воситасини ўз вақтида техник жиҳатдан соз ҳолатда йўналишга чиқариш учун тайёрланишини таъминлайди;

б) йўналишда автотранспорт воситасидан техник жиҳатдан тўғри фойдаланилишини назорат қилади, йўналишда иш вақтининг техник сабабларга кўра йўқотилишини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

в) автотранспорт воситасини йўналишдан қабул қилиб олишни ҳамда унинг тегишли жойда сақланишини ташкил қилади;

г) фойдаланиш анжомлари учун кетадиган сарф-харажатларни қисқартириш тадбирларини амалга оширади, техник хизмат кўрсатиш жараёнида ёнғин хавфсизлиги чораларини таъминлайди;

д) техника хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда техник хизмат кўрсатишда банд бўлган ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш бўйича техник ўқув курсларини йўлга қўяди;

е) техник хизмат кўрсатишда зарур бўлган бино ва иншоотлар, шунингдек, асбоб-ускуналар ва жиҳозлардан тўғри фойдаланилишини назорат қилади;

ж) техник хизмат кўрсатиш жараёнидаги жароҳатланиш сабабларини ўрганади, уларни бартараф этиш чораларини кўради, техника хизматига оид ҳисобот ишларини олиб боради;

з) хавфсиз фаолият кўрсатиш ва техник воситалар билан таъминланишга оид бошқа ишларни амалга оширади.

2-§. Техника хизматининг ташкилий тузилмаси

13. Техника хизматининг ташкилий тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

гараж бошлиқлари;

устахона бошлиқлари;

таъминот бошлиқлари;

бино, иншоот ва техника воситаларидан фойдаланиш бўйича механиклар;

навбатчи механиклар;

ишлаб чиқариш ва ёрдамчи участкалар усталари.

3-§. Техник хизмат воситалари

14. Автотранспорт воситасининг бир маромда ишлашини таъминлаш учун автомобилда ташувчи қуйидаги бино, иншоот ва техник хизмат воситаларига эга бўлиши шарт:

а) автотранспорт воситасини сақлаш учун совуқ об-ҳавода двигателни ишончли тарзда ишга туширишга имкон берувчи техник воситалар билан таъминланган гараж ёки майдон;

б) автотранспорт воситасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун рўйхатдаги ҳар 10 та автомобилга камида биттадан тўғри келадиган жиҳозланган автомобиль жойи, техник хизмат кўрсатиш, кўрикдан ўтказиш, таъмирлаш учун зарур бўлган жиҳозлар ва асбоб-ускуналар мажмуи;

в) ёнилғи-мойлаш ва бошқа турдаги фойдаланиш маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш учун керакли иншоот.

15. Техник хизмат воситалари доимий ва/ёки ҳаракатланувчи бўлиши мумкин.

16. Барча иншоот ва техник хизмат воситалари жойлашуви ва фойдала-

нилишига кўра автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар, электрожиҳозлар, кўтариш механизмлари, санитар-техник ва бошқа қурилмалардан техник фойдаланиш қоидаларига, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, техника хавфсизлиги ва санитария қоидаларига, гаражларни лойиҳалаш меъёрлари ва шартлари талабларига жавоб бериши керак.

17. Техника хизмати техник жиҳозларнинг узлуксиз ва ишончли ишлашини таъминлашда уларни олдиндан режали таъмирлаш тизимига асосланиши, шунингдек, автотранспорт воситасининг кундалик техник хизмати, биринчи техник хизмат, иккинчи техник хизмат ҳамда жорий таъмирни ўз ичига олувчи техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш ишларини йўлга қўйиши шарт.

18. Техник хизмат кўрсатиш ишлари тасдиқланган режа ва иш ҳажмига қараб амалга оширилади.

4-§. Автотранспорт воситасини сақлаш ва йўналишга чиқариш

19. Автотранспорт воситаси усти ёпиқ бино ичида ёки автотранспорт воситасининг туриши учун махсус ажратилган очиқ майдонларда сақланиши мумкин.

Иссиқ туриш жойига биринчи навбатда йўловчи ташувчи автотранспорт воситалари жойланади.

20. Автотранспорт воситаси фойдаланиш хизмати ва техника хизмати ўртасидаги ўзаро келишув ҳамда корхона раҳбари томонидан тасдиқланган жадвал асосида йўналишга чиқарилади.

21. Йўл варақалари автотранспорт воситасининг техник жиҳатдан созлигини тасдиқловчи маълумот олинганидан кейингина ёзиб берилади.

5-§. Йўналишда техник ёрдам кўрсатиш

22. Техника хизмати йўналишдаги носоз автомобилларга ёрдам кўрсатиш мақсадида техник ёрдам кўрсатиш автомобилни жиҳозлайди.

23. Техник ёрдам кўрсатиш автомобили:
фургон типдаги кузов ёки соябон билан таъминланган бўлиши;
ички чироқлар ҳамда ходимларга мўлжалланган ўриндикларга эга бўлиши;
исканжали устачилик дастгоҳи билан жиҳозланиши, автомобилларни йўналишда таъмирлаш учун зарур асбоб-ускуналар ва мосламалар мажмуи, энг муҳим эҳтиёт қисмлар, шунингдек, хизмат кўрсатилувчи автомобилларни кўтариб туриш имконини берувчи қурилмалар билан таъминланган бўлиши;

автомобилни шатакка олиб тортиш учун қаттиқ шатакка олиш қурилмаси, трос, керакли асбоблар ҳамда сирпанишга қарши занжирлар билан таъминланиши;

ёнилғи ва мой қуйиш учун қўшимча баклар, шунингдек, ёнилғи қуйиш учун жиҳозларга эга бўлиши;

ёнфинга қарши воситалар (ўт ўчириш асбоблари, қум тўлдирилган қутилар), биринчи ёрдам учун дори қутиси ҳамда қоронғида таъмирлаш ишларини олиб бориш учун қўшимча ёритиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

6-§. Автотранспорт воситасини йўналишдан қабул қилиб олиш

24. Автотранспорт воситасини йўналишдаги иш вақти тугаганидан сўнг қабул қилиш ҳамда корхонага қайтариш жараёнида уларнинг бутлиги ва рақам белгилари текширилади ҳамда носозликларни аниқлаш мақсадида ташқи кўрикдан ўтказилади. Автотранспорт воситасини қабул қилаётганда навбатчи механик йўл варақаси ва қайд этиш дафтарига спидометр кўрсаткичларини ёзиб қўяди ҳамда қайтиш вақтини белгилайди.

25. Ташқи кўрик навбатчи механик томонидан ҳайдовчи иштирокида ўтказилади.

Кўрикдан ўтказиш жараёнида:

а) зарурий анжомлар, радиатор устки коплами ва кузовнинг (кабина ва платформа) ташқи кўриниши, уларнинг ҳолати;

б) двигателнинг ишлаши;

в) мой, сув, тормоз суюқлигининг оқиб кетмаётганлиги;

г) руль механизмининг тортқилари ва шарли бирикмалар, трос, шланг ва қувурлар, тормоз, раманинг бўйлама тўсинлари, кўндаланг тўсин ва рессоралар, шина, автотиркаманинг тиркаш мосламалари аҳволи текширилади.

26. Кўрик натижалари асосида навбатчи механик зарурат туғилганда, таъмирлаш ишлари рўйхатини тузиб чиқади. Авария ҳолатидаги шикастланишлардан далолат берувчи носозликлар аниқланган тақдирда, навбатчи механик далолатнома тузади.

27. Техник носозликлар туфайли автотранспорт воситаси йўналишдан вақтидан олдин қайтса, навбатчи механик бунинг сабабини аниқлаши, йўл варақасининг тегишли жойига белги қўйиши, ҳаракат таркибининг таъмирдан ўтказилишини ташкиллаштириб, унинг йўналишга қайтарилишини таъминлаши шарт.

V. Яқуний қоида

28. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ХАЙТОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 2 март*

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 2 март*

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 2 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

193 Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини
тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1937*

(2009 йил 17 апрелдан кучга киради)

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 30 июлдаги ЎРҚ–164-сон Қонунига мувофиқ **бу юраман:**

1. Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат патент
идораси директори**

Б. АМОНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 11 март,
33-сон*

Давлат патент идораси директорининг
2009 йил 11 мартдаги 33-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Саноат мулки объекти патентининг амал
қилишини тиклаш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 19-сон, 143-модда) (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) мувофиқ саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш тартибини белгилайди.

1-§. Умумий қоидалар

1. Қонуннинг 28¹-моддасига мувофиқ патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган саноат мулки объекти патентининг (бундан буён матнда Патент деб юритилади) амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин.

2. Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил муддат ичида, бироқ патентнинг Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунга қадар топширилиши мумкин.

3. Патентнинг амал қилишини тиклаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

4. Патентнинг амал қилишини тиклашга доир ишларни юритиш мустақил равишда патент эгаси ёки патент вакили томонидан амалга оширилади.

2-§. Илтимосномани бериш ва кўриб чиқиш

5. Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома мазкур Қоидаларга иловада келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

Илтимоснома патент эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан илтимоснома лавозими кўрсатилган ҳолда раҳбар томонидан имзоланади. Имзо муҳр билан тасдиқланади.

6. Патент эгасининг патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ патент эгаси томонидан, шунингдек тегишли йилда патентни ўз кучида сақлаб туриш учун патент божи тўлани-

ши ҳамда бу ҳақда ҳам илтимосномага тегишли ҳужжат илова қилиниши лозим.

Патентнинг амал қилишини тиклаш ва патентни ўз кучида сақлаб туриш учун бож тўланганлик ҳолати битта тўлов ҳужжати билан тасдиқланиши мумкин.

Белгиланган миқдорда патент божлари тўланганлигини тасдиқловчи юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда, илтимосномани кўриб чиқишга доир юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмайди.

7. Зарурият бўлганида илтимосномага вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома, шунингдек ворислик ҳуқуқи ёки меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

8. Илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Патент идорасига бевосита берилади ёки почта орқали юборилади.

9. Илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида барча керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларни ушбу Қоидаларнинг 1 — 8-бандларида белгиланган талабларга мос келиши текширилади.

10. Ушбу Қоидаларнинг 5 — 7-бандларида кўрсатиб ўтилган керакли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ва/ёки нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, патент эгасига ёки унинг вакилига мавжуд бўлмаган ва/ёки тузатилган ҳужжатларни сўровнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой ичида тақдим этиш зарурлиги тўғрисида сўровнома юборилади. Бунда илтимосномани кўриб чиқишнинг белгиланган муддатининг ўтиши етишмаётган ёки тузатилган ҳужжатларнинг охиригиси келиб тушгунга қадар тўхтатиб турилади.

11. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келганида патентнинг амал қилиши тикланади.

Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги маълумотлар тегишли Давлат реестрига киритилади ва Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Патент эгасига ёки унинг вакилига патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисида билдиришнома юборилади.

12. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келмаганида, шунингдек тузатилган ёки етишмаётган ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда Патент идораси патент эгасига ёки унинг вакилига илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида рад этиш асослари кўрсатилган билдиришнома юборади.

Саноат мулки объекти патентининг
амал қилишини тиклаш қоидаларига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат патент идораси
100047, Тошкент шаҳри,
Тўйтепа кўчаси, 2а уй.

_____ (Ф.И.О., ёки юридик шахснинг номи)

Манзил _____

Телефон _____

ИЛТИМОСНОМА

- ихтирога
- фойдали моделга
- саноат намунасига (кераклиси [x] билан белгилансин)

_____ - рақамли патентнинг амал қилишини тиклаб беришингизни сўрайман.

Патентнинг амал қилиши патентни ўз кучида сақлаб туриш учун патент божи тўланмаганлиги сабабли тугатилган.

Илова қилинаётган ҳужжатлар (кераклиси [x] билан белгилансин)

— патентнинг амал қилишини тиклаш учун бож ҳамда тегишли йилда патентни ўз кучида сақлаб туриш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— меросга бўлган ҳуқуқни ёки ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

— ишларни юритиш учун ишончнома.

Патент эгаси _____

_____ (лавозими, Ф.И.О., имзо)

Сана _____

(М.Ў.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

194 **Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низомни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 274-2

(2009 йил 17 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 1996 йил 15 августда тасдиқланган «Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисида»ги низом (1996 йил 16 август, рўйхат рақами 274);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2000 йил 20 октябрдаги 7-2000-сон билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисида»ги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар (2000 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 274-1).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган.

**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 март,
01/23-18/02-сон

Келишилган:

*Қимматли қоғозлар
бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат
қилиш маркази бош директори*

К. ТОЛИПОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 19 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

195 Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1938

(2009 йил 18 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 й., 2-сон, 48-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шакли (кейинги ўринларда ордер деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ордер бланкалари адвокатлик тузилмаларининг, шунингдек, тегишли юридик маслаҳатхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг буюртмалари бўйича босмахона усулида тайёрланади;

ордер бланкалари уларнинг сарфланишини қатъий ҳисоби юритиладиган тартиб рақамига эга;

адвокатлик тузилмасининг раҳбари ордер бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун масъулдир. Ордерни бошқа шахслар томонидан имзоланишига йўл қўйилмайди;

лозим тарзда расмийлаштирилмаган, доғ туширилган ва ёзувлари ўчирилган ордерлар ҳақиқий эмасдир;

ордер адвокатлик тузилмасининг раҳбари томонидан имзоланади, у ордерда акс этирилган маълумотлар учун шахсан жавобгардир;

ордер адвокатлик гувоҳномаси тақдим этилганда ҳақиқийдир.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель,
91-мх-сон

Келишилган:

*Адвокатлар
палатасининг раиси*

Т. САЙИДОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель*

Адлия вазирининг
2009 йил 8 апрелдаги 91-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Адвокат томонидан ишни олиб боришга
ОРДЕР № _____
на ведение дела адвокатом**

_____ (адвокатлик тузилмасининг номи)/(наименование адвокатского формирования)

Берилди адвокат _____
Выдан адвокату _____ (адвокатнинг Ф.И.О.)/ (Ф.И.О. адвоката)

Адвокатлик гувоҳномаси: № _____, 20__ йил «__» _____ куни берилган.
Удостоверение адвоката: № _____ выдано «__» _____ 20__ года.

Ордер беришга асос: 20__ йил «__» _____ кунидаги битим (шартнома) ёки қарор (ажрим).
Основание выдачи ордера: соглашение (договор) или постановление (определение) от «__» _____ 20__ года.

Ордер _____ га жиноят, маъмурий, фуқаролик,
(ишонч билдирувчи шахс (ўз химояси остидаги шахс)нинг Ф.И.О.)

хўжалик ёки бошқа иш бўйича юридик ёрдам кўрсатиш учун берилди.
Ордер выдан для оказания юридической помощи по административному, уголовному, гражданскому, хозяйственному или иному делу _____

_____ (Ф.И.О. доверителя (подзащитного))

М.Ў./М.П.

Берилган сана: 20__ йил «__» _____
Дата выдачи: «__» _____ 20__ года

Раҳбар _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо/подпись)
Руководитель

Адвокатлик тузилмасининг манзили: _____

Адрес адвокатского формирования: _____

Тел. (факс): _____

№ 000000

Ордерни олдим

Ордер получил

_____ (адвокатнинг имзоси)

(подпись адвоката)

_____ л — и — н — и — я — о — т — р — е — з — а — _____

Адвокат томонидан ишни олиб боришга

ОРДЕР № _____

на ведение дела адвокатом

_____ (адвокатлик тузилмасининг номи)/(наименование адвокатского формирования)

Берилди адвокат _____

Выдан адвокату _____ (адвокатнинг Ф.И.О.)/ (Ф.И.О. адвоката)

Адвокатлик гувоҳномаси: № _____, 20__ йил «__» _____ куни берилган.

Удостоверение адвоката: № _____ выдано «__» _____ 20__ года.

Ордер беришга асос: 20__ йил «__» _____ кундаги битим (шартнома) ёки қарор (ажрим).

Основание выдачи ордера: соглашение (договор) или постановление (определение) от «__» _____ 20__ года.

Ордер _____ га жиноят, маъмурий, фуқаролик, (ишонч билдирувчи шахс (ўз химояси остидаги шахс)нинг Ф.И.О.)

хўжалик ёки бошқа иш бўйича юридик ёрдам кўрсатиш учун берилди.

Ордер выдан для оказания юридической помощи по административному, уголовному, гражданскому, хозяйственному или иному делу _____

_____ (Ф.И.О. доверителя (подзащитного))

М.Ў./М.П.

Берилган сана: 20__ йил «__» _____

Дата выдачи: «__» _____ 20__ года

Раҳбар _____

Руководитель _____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо/подпись)

Адвокатлик тузилмасининг манзили: _____

Адрес адвокатского формирования: _____

Тел. (факс): _____

№ 000000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

196 Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1*

(2009 йил 20 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) 63-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 2001 йил 10 августда 01/06-16-сон билан тасдиқланган «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга (2001 йил 10 август, рўйхат рақами 1061) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 март,
01/23-18/03-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 4 апрелдан 10 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 27 февралдаги 31, 2009-13-сонли қарори.*

2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935 (2009 йил 16 апрелдан кучга киради).

2. «Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2009 йил 3 мартдаги 19-сонли буйруғи.*

2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936 (2009 йил 16 апрелдан кучга киради).

3. «Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 33-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1937 (2009 йил 17 апрелдан кучга киради).

4. «Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низомни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 19 мартдаги 01/23-18/02-сонли қарори.*

2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 274-2 (2009 йил 17 апрелдан кучга киради).

5. «Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мҳ-сонли буйруғи.*

2009 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1938 (2009 йил 18 апрелдан кучга киради).

6. «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 20 мартдаги 01/23-18/03-сонли қарори.*

2009 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1 (2009 йил 20 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 274, 1996 йил 16 август), (рўйхат рақами 274-1, 2000 йил 10 ноябрь) .*

Адлия вазирининг 2009 йил 7 апрелдаги 90-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага (ФАМТБЙ-2008) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг